Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
27-fevral
payshanba

№ 9 (4447/4365)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 105 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## СЕВГИ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ



Ўзбек халқининг севимли шоираси, таниқли жамоат арбоби Зулфия Исроилова 1915 йил 1 март куни Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилган.

Зулфия Ўзбекистон халқ шоири унвонига, «Ўйлар», «Шалола» каби шеърий тўпламлари учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган. Ҳинд мавзуидаги шеърлари учун Жавоҳарлаъл Неру номидаги халқаро мукофот, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари ҳамда тараққийпарвар Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатидаги фаол иштироки учун эса халқаро «Нилуфар» мукофоти билан тақдирланган.

24

ЁШЛАР — КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

## ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

Бежиз лавҳамизга бундай сарлавҳа қўймадик. Чунки эндигина 23 ёшни қаршилаган, ҳозирги кунда профилактика инспектори лавозимида Навоий вилояти Қизилтепа туманининг «Ўзбекистон» ва «Фурқат» маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолисига хизмат қилиб келаётган қаҳрамонимиз болалигидан ички ишлар органлари соҳасига қизиққан. Боиси, отаси профилактика катта инспектори, подполковник Фазлиддин Қурбонов 25 йилдан буён ички ишлар органларида хизмат қилмоқда.



5

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ ИЖОДИ

## АҲОЛИ ОРАСИДА ПОЛИЦИЯ НУФУЗИНИ ОШИРИБ



Озарбайжон Республикаси ИИВ Матбуот хизмати таркибига «Мубариз кешикде» («Жанговар постда»), «Аскер» («Аскар»), «Полис» («Полиция») газеталари, «Янгынла мубаризе» («Олов билан кураш») журнали каби босма нашрлар киради.



9



## ЮРТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иккинчи Ўзбекистон—Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Маминни қабул қилди.

Учрашувда, аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-коммуникация, энергетика, аграр тармоқларда, таълим, маданият соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

* * *

● Президент Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича галдаги муҳим вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

* * *

● Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида «O'zbegim ayoli — 2020» Миллий мукофотини тантанали топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Норбоева, Миллий масс-медиани ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди васийлик кенгаши раисининг ўринбосари С.Мирзиёева аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалалари давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётганини таъкидлади.

* * *

● Эртага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди.

**ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.**

*МУАММОЛАР БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА*

3



*ЖЕНЩИНА В РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА*



10

*ПРИМЕР СЛУЖЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОМУ ДОЛГУ*

14





*ОИЛА МУАММОСИ БАРЧАНИ БЕЗОВТА ҚИЛИШИ КЕРАК*

16

ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ

# У КУНЛАРНИНГ ЁДИ ОҒРИҚЛИ

**Шукрки, тинч-осойишта замонда яшаяпмиз. Истаган вақтимизда, ҳатто ярим тунда ҳам, кўчада бемалол юришимиз, оиламиздан кўнглимиз хотиржамлиги — бу тинчлигимиз, фаровон кунларимиздандир. Бундай осойишталикка эришиш осон бўлмаган, албатта.**

Қанчадан-қанча юртдошларимиз жангларда қон кечиб, Ватан озодлиги учун жон олиб, жон беришган. Дориламон кунларга етиб келганлари кексалик гаштини суриб, ёшларга панд-насиҳат қилишяпти, шукроналикка, сабр-қаноатли бўлишга ундаяпти. Дарҳақиқат, уларни қанча эъзозласак, зиёрат қилиб, кўнглини кўтарсак ҳам кам. Суронли йиллардан кейин умрини эл-юрт осойишталигини сақлашга сарфлаган, ички ишлар органлари фахрийлари ҳам талайгина. Осойишталик посбонлари уларни мунтазам йўқлаб, ҳолидан хабар олиб туришади.

Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг маслаҳатчиси, истеъфодаги полковник Муроджон Каримов, Бош бошқарма ҳамда Миробод тумани ИИОФМБ раҳбариятларининг бошчилигидаги бир гуруҳ ходимлар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги полковник Валентин Лазаревнинг уйида бўлишди. Уни яқинлашиб келаётган ғалабанинг 75 йиллиги билан муборакбод этиб, эсдалик совғалари беришди.



Бугунги кунда табаррук 95 ёшни қаршилаётган Валентин Лазарев суронли йилларда Узоқ шарқ ҳарбий округининг Приморье ўлкасида чегара ҳудудларида хизмат қилган. Урушдан кейин эса 1947–1950 йилларда чегара қўшинлари мактабида ўқиган. Сўнг Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирига хизматга юборилган. У 1977 йилда подполковник унвони билан пенсияга кузатилган. Кейин эса Ўрта Осиё темир йўлларида ҳарбий йўриқчи бўлиб ишлаган ва унга полковник унвони берилган.

Отахон суронли йилларда бошидан кечирган машаққатларни эслар экан, у кунларнинг ёди оғриқли эканини айтди. Бугунги тинч-осуда кунлар, фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, доимо шукр қилиб яшаш кераклигини таъкидлади. Шу билан бирга, фахрийлар ҳамда кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан мамнун бўлаётганини билдирди. Отахоннинг боши осмонга етганини унинг кўзларида намоён бўлган қувонч ёшларидан ҳам англаб олиш мумкин эди.

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,**
**«Postda»мухбири.**

## ТАЙИНЛАНДИЛАР

**Подполковник Оринбаев Аманбай Тлеубаевич** – Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ бошлиғининг биринчи ўринбосари –жамоат тартибини сақлашни ташкиллаштириш бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар А.Оринбаев Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари лавозимида фаолият юритган

**Полковник Мухаммаджонов Музаффар Мухаммадсолихович** – ИИВ Назорат тафтиш инспекцияси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар М.Мухаммаджонов Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – молия ва моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Подполковник Холиқов Азимжон Юсупович** – Бухоро вилояти ИИБ бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар А.Холиқов Бухоро тумани тумани ИИБ бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Подполковник Ибрагимов Шерзод Шокирович** – Навоий вилояти ИИБ бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар Ш.Ибрагимов Навоий вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Подполковник Газиев Хабибулла Убайдуллаевич** – Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – молия ва моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар Х.Газиев ИИВ Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси молия-иқтисод бошқармаси иш ҳақини меъёрлаш бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Полковник Химматов Исмаил Ибрагимович** – Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – молия ва моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар И. Химматов ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этиш ҳамда жамоатчилик уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш бошқармаси жамоат уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Подполковник Турдибаев Омирбай Кеулимжаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар О.Турдибаев Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ИИБ бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Полковник Вафоев Маҳкам Миржонович** – Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар М.Вафоев Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимида фаолият юритган.

**Полковник Ҳалимов Акрам Ҳамидович** – Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар А.Ҳалимов Самарқанд вилояти Ургут тумани бўйича ИИОФМБ бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Полковник Ибрагимов Исматжон Нигматжонович** – Тошкент вилояти ИИББ бошлиғининг ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар И.Ибрагимов Тошкент вилояти ИИББ бошлиғининг тўртинчи минтақавий ҳудуд бўйича вакили – марказ бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Полковник Раҳимов Сардорбек Қобулович** – Хоразм вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар С.Раҳимов Хоразм вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Полковник Адизов Умиджон Ҳасанович** – Навоий вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар У.Адизов Навоий вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Полковник Авазов Жўрабек Файзуллаевич** – Жиззах вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар Ж.Авазов Жиззах вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Подполковник Яхшиев Умид Носирович** – Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар У. Яхшиев Қашқадарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғининг ўринбосари лавозимида фаолият юритган.

**Подполковник Нишонов Махамаджон Содиқжонович** – Андижон вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар М.Нишонов Андижон вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Подполковник Хўжақулов Ойбек Алохонович** – Наманган вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар О.Хўжақулов Наманган вилояти ИИБ Тезкор маълумотлар бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Подполковник Уралов Шароф Уразалиевич** – Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар Ш.Уралов Сирдарё вилояти ИИБ Ташкилий бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Подполковник Менглиев Фахриддин Валиевич** – Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар Ф.Менглиев Сурхондарё вилояти Музработ тумани ИИБ бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Майор Козимов Азамат Комилович** – Фарғона вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Тергов бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар А.Козимов ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти Тергов фаолиятини ташкиллаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари – тергов фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Подполковник Асқаров Дилмурод Қобилович** – Фарғона вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар Д.Асқаров Фарғона вилояти Қува тумани ИИБ бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

**Подполковник Болтаев Жонибек Ҳамидович** – Бухоро вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тайинловга қадар Ж.Болтаев Бухоро вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

УЧИНЧИ СЕКТОР

# МУАММОЛАР БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

**Бугун халқимиз фаровонлиги, юртимиз хотиржамлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар тобора кенг кўлам ва миқёс касб этиб бормоқда. Бу борада, айниқса, секторлар ҳудудида ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўрганиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлида кўплаб ишлар қилинмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг Миробод тумани ИИОФМБ бошлиғи, подполковник Музаффар Отаназаров раҳбарлик қилаётган 3-секторда олиб борилаётган ишлар ҳам эътирофга лойиқ.**



Сектор ҳудудида 10 та маҳалла бўлиб, уларда 33 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шунча инсон яшагач, муаммолар ҳам, мурожаатлар ҳам шунга яраша бўлиши табиий. Қолаверса, ҳар ким ҳам ўз муаммосини айтиб, ёрдам сўрайвермайди. Шу боис сектор раҳбари бошчилигида сайёр қабуллар ўтказиш, ишчи гуруҳ томонидан уйма-уй юриш орқали аҳоли турмуш шароитини ўрганиш, муаммоларини ҳал этиш каби ишлар мунтазам йўлга қўйилган. Ўтказилган шу каби тадбирлар давомида 9000дан ортиқ хонадон ўрганиб чиқилиб, фуқароларни қийнаб келаётган 3171 та муаммо аниқланди. Мазкур масалалар бўйича тегишли чоралар кўрилиб, деярли барчаси ижобий ҳал қилинди.

— Фуқароларнинг асосий мурожаатлари ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси таъминоти, кредит олиш ва бошқа шу каби масалаларда бўлмоқда, — дейди подполковник Музаффар Отаназаров. — Қолаверса, сайёр қабулларда билдирилган таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига доир масалалар ҳам атрофлича ўрганилиб, аксарияти ижобий ечимини топди. Амалга оширилган ишлар қаторида ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларимиз ҳам хали кўп. Кимнингдир уйини таъмирлаш, кимгадир бошқа масалада ёрдам беришни режалаштириб қўйганмиз. Булар, албатта, босқичма-босқич бажарилади.




Сектор ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлар олдида болалар майдончаларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу пайтга қадар ана шундай 2 та болалар майдончаси қуриб берилди, 12 та уй олдидаги эски болалар майдончалари қайта таъмирланди. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Сарикўл кўчасидаги 12-уй олдида қурилган болалар майдончасида ҳозирда кичкинтойлар мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Майдончалар атрофига ўрнатилган ўриндиқларда ота-оналар хотиржам суҳбатлашиб, фарзандларини назорат қилиш имкониятига эга.



Бундан ташқари, ҳудудларда жиноятчилик ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида кўп қаватли уйларга видеокузатув камералари ўрнатилди.

«Миробод деҳқон бозори» шохобчасида бир пайтлар тадбиркорлар учун қатор ноқулайликлар мавжуд эди. Масалан, ёғингарчилик пайтида томдан чакка ўтар, оёқ ости лой бўлиб кетарди. Ҳозирда мазкур шохобча таъмирдан чиқарилиб, шинамгина бозорчага айланган. Тадбиркорлар ҳар қандай мавсумда эмин-эркин савдо қилишяпти.

Бугунги кунга қадар 34 та оилага моддий ёрдам кўрсатилди, ижтимоий ҳимояга муҳтож 32 та оилага имтиёзли кредитлар асосида арзонлаштирилган уйлар берилди. Сектор ҳудудида 160 нафар ногирон, 35 нафар уй-жойга муҳтож, 67 нафар якка-ёлғиз қария, 83 нафар боқувчисини йўқотган фуқаро истиқомат қилади. Бу тоифадаги фуқаролар сектор раҳбарининг алоҳида назоратида бўлиб, уларга мунтазам моддий-маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар ҳам изчиллик билан олиб борилаяпти. Масалан, ўтган йили ва жорий йилнинг ўтган даврида тумандаги 13 та маҳаллада умуман жиноят содир этилмади. Умумий жиноятлар сони эса 14 фоизга камайишига эришилди. Лекин бу аҳвол қониқарли дегани эмас. Туман ИИОФМБ раҳбарияти ўз олдига мақсадли режалар қўйиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, туманни пойтахтдаги энг намунали ҳудудлардан бирига айлантириш истагида иш олиб боришмоқда.

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

ҲАЛОЛЛИКНИ ШИОР ҚИЛГАН ХОДИМЛАР

# ТАКЛИФИ «ИНОБАТГА ОЛИНМАДИ»

**Бугун мамлакатимизда коррупцияга қарши жиддий кураш олиб борилмоқда. Шунга қарамай, айрим кимсалар томонидан ўзларининг жиноий қилмишларини яшириш ниятида у ёки бу мансабдор шахсга пора беришга уриниш ҳолатлари ҳам учраб турибди.**

Гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда сақлаган хивалик фуқаро М.Х.нинг бу қинғир иши шаҳар ИИБ ходимлари томонидан фош этилади. Қарангки, у жиноят қидирув бўлими тезкор ходими, капитан Темур Тожиевга учрашиб, ундан ишни «босди-босди» қилишда ёрдам беришини сўрайди ва «рози» қилишини айтади. Капитан фуқарога бу ҳаракати нотўғри эканлигини тушунтирмоқчи бўлади. Аммо ҳаётдаги барча масалалар пора эвазига ҳал қилинади, деб ўйлаган М.Х. тезкор ходимни кўндиришга уринади. Шундан сўнг капитан Темур Тожиев мазкур ҳолат юзасидан раҳбариятга мурожаат қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда ички ишлар органи ходимига 200 АҚШ долларини пора тариқасида берган М.Х. жиноят устида қўлга олинди. У энди нафақат гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда сақлагани, балки ходимга пора беришга урингани учун ҳам жавоб берадиган бўлди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

Ҳикмат

**Агар сен бирор нарсани ўйлаб топа олсанг, уни бажаришга ҳам қодирсан.**

*Уолт Дисней*

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛГАН АЗИЗДИР

**Киши, қайси соҳа вакили бўлмасин, касбини севса, қардоқласа, албатта, бахтга эришади. Умрини эл осойишталиги, хотиржамлигини таъминлашга бағишлаган касб соҳибларининг йўриғи ҳам бундан ўзгача эмас. Улар юрт тинчлигини асраш, жамоат тартибини сақлаш йўлидаги машаққатли ва масъулиятли хизмати туфайли обрў-эътиборга мушарраф бўлиб келишган. Ички ишлар органлари тизимида кўп йиллардан буён хизмат қилиб келаётган подполковник Жасур Ташев ҳам ана шундай инсонлар тоифасидан, десак, муболаға эмас.**



Қарши шаҳрида туғилган Жасур эсини таниган пайтданоқ марҳум Латиф бобонинг ички ишлар органлари формасидаги суратига ҳавас ила боқиб чарчамасди. Мактабдан уйга қайтганида, албатта, бобосининг суратига термулиб, хаёл сурар, режалар тузарди. Худди у каби ички ишлар органи ходими бўлиш асосий орзусига айланганди.

Орадан йиллар ўтди. Мактабни тамомлаб, шаҳодатномани қўлига олган Жасур отаси Ҳақберди акага дилидагини айтди. Беш фарзанди орасида Жасурга нисбатан меҳри бўлакча ота ўғлининг раъйини қайтармади, аксинча, уни қўллаб-қувватлади. Орзусига етишиши учун аввал олий ўқув юртида ўқиши, сўнгра ҳарбий хизматни ўташи лозимлигини тушунтирди.

Отасининг тавсияси билан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтига ҳужжат топширган Жасур синовлардан муваффақиятли ўтиб, талабалар сафидан ўрин олди. Ҳаш-паш дегунча тўрт йил ўтиб, институтни тамомлади. Сўнгра ҳарбий хизматга отланди.

Жасур ҳарбий хизматдан қайтгач, орзусини амалга ошириш учун ички ишлар органига ҳужжат топширди. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, 2003 йили Қарши шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш хизматида фаолиятини бошлади. Марҳум подполковник Ўктам Акбаров, ҳозирда Миллий гвардия Қашқадарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари, майор Баҳром Ёқубовдан соҳа сирларини ўрганди. Ишдан ажралмаган ҳолда ИИВ Академиясида сиртдан ўқиди. 2008 йилда ўқишни тугатиб, ҳуқуқшунослик дипломини қўлга олди.

Етарли билим ва тажрибага эга бўлган Жасур Ташев кейинги йилларда Қарши шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида отряд командири, Қўриқлаш бошқармаси Ташкилий-таҳлил гуруҳи катта инспектори, бўлинма бошлиғи, Алоҳида батальон командири вазифаларида сидқидилдан хизмат қилди.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, оммавий тадбирларда жамоат тартибини сақлаш борасида яхши тажриба ва малакага эга бўлган Жасур Ташевни раҳбарият 2017 йили вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командири лавозимига тайинлади. Зиммасидаги вазифани теран англаган Жасур Ташев асосий эътиборни жиноят ва ҳуқуқбузарликлар кўп содир этиладиган бозорлар, тунги клублар ва одамлар гавжум бўладиган жойларга қаратди. Бу борада ходимларга кунлик йўриқномаларда йўл-йўриқлар бериб, фуқаролар хавфсизлиги таъминланишида жонбозлик кўрсатди. Кези келганда, ўзи ҳам ходимлар билан ёнма-ён юриб, ҳуқуқбузарликларга чек қўйди. Натижада 2019 йилда батальон ходимлари 91 та жиноятнинг фош этилишида иштирок этди. Жамоат жойларида содир этилган жиноятлар 32 тага, кўчалардаги жиноятлар 5 тага, безорилик 3 тага камайган бўлса, қотиллик, қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик жиноятларининг олди олинди.

Кейинчалик уни вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғининг ўринбосари лавозимига тайинлашди. Подполковник Ж.Ташев ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиб, вилоятда ўтказилган тадбирларда куч ва воситаларни тўғри йўналтиришда бор маҳорат ва тажрибасини ишга солди. Ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларида жамоат тартиби сақланишига ўз ҳиссасини қўшди.

Юртимизда халқ хизматига бел боғлаган ҳар бир соҳа вакилининг меҳнати эътибордан четда қолмайди. Жумладан, подполковник Жасур Ташев ҳам Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Президентимиз фармонига кўра, «Шуҳрат» медалига сазовор бўлди. Ҳа, халққа хизмат қилган элда азиз, деган ибора бежиз айтилмаган.

Айни пайтда Жасур Ташев турмуш ўртоғи Баҳора билан уч нафар фарзандни тарбияламоқда. Отаси Ҳақберди бобо билан онаси Матлуба ая ўғлининг хизматларидан фахр ҳиссини туйиб умргузаронлик қилишмоқда.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қашқадарё вилояти.*

СОҲА ФИДОЙИЛАРИ

# САДОҚАТЛИ ХОДИМ, ТАЖРИБАЛИ УСТОЗ

**Фарғона вилояти ИИБга бирор юмуш билан борган одам борки, бошқарманинг моддий-техник таъминот ва хўжалик хизмати бўлими ходими, катта сержант Рустамжон Ҳакимовнинг самимий чеҳрасини яхши танийди. Нега дейсизми? Чунки у ўзи меҳр қўйган ана шу касбда бир неча йилдан буён садоқат билан хизмат қилмоқда. Бирорта ходим ёки фуқаро ундан ҳеч қачон ранжиган эмас. Қолаверса, катта сержант Рустамжон Ҳакимовнинг ҳақиқий ички ишлар органи ходимига хос тартиб-интизоми, самимий муомаласи одамда яхши таассурот қолдиради.**




Рустамжон Ҳакимов Олтиариқ туманининг Зилха шаҳарчасида истиқомат қилади. У ички ишлар органларидаги хизмат фаолиятини 1998 йилда бошлаган. Дастлаб ёнғин хавфсизлиги, кейинчалик қўриқлаш хизматида фаолият кўрсатди. 2004 йилдан бошлаб эса ҳозирги вазифасида ишламоқда.

– Соҳага дастлаб ишга кирган пайтларимда майор Тоҳиржон Мамажонов, капитан Бахтиёр Каримов, сержант Султонали Мақсудов каби устозларим бор эди, – дейди у. – Улардан касб маданиятини, одамлар билан муомала қилишни, тартиб-интизомни ўргандим. Устозлар бошқармага келган ҳар қандай одам билан самимий гаплашиб, уларга тўғри йўл кўрсатишарди. Ҳозир устозларимдан ўрганганларимни ёш шогирдларга сингдиряпман. Уларни одамлар билан имкон қадар ҳушмуомала бўлишга чақираман.

Шундан бўлса керак, вилоят ИИБдаги кўпгина ёшлар катта сержант Рустамжон Ҳакимовни ўзларига устоз деб билишади.

– Рустамжон Ҳакимовнинг ҳаётий ва касбий тажрибаси жуда катта, – дейди шогирди, сафдор Умиджон Иномов. – Устоз касбини қаттиқ севадиган, зиммасига юклатилган вазифага масъулият ва меҳр билан ёндашадиган ходим. У кишини нафақат биз шогирдлар, балки бошқармага иш билан келиб турадиган ҳар бир фуқаро ҳам яхши кўради.

Донишмандлардан бири «Инсонга одамларнинг ҳурмати ва меҳридан ортиқ мукофот йўқ», деган экан. Катта сержант Рустамжон Ҳакимов ана шундай улуғ мукофотга муносиб ички ишлар органи ходими сифатида эътирофга арзийди.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

ЁШЛАР — КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

# ЧАҒДАРИНИНГ ПОСБОНИ

**Ғиждувон туманидаги «Чағдари» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ўтган йили умуман жиноят содир этилмади, оила-турмуш доирасидаги ажримларга йўл қўйилмади. Маҳалла фаолларининг ёш ходим ҳақидаги ижобий фикрлари, унинг ташаббускорлиги, интилувчанлиги ва касбига бўлган садоқатини инобатга олиб, ИИВ буйруғига мувофиқ мазкур ҳудудга хизмат кўрсатувчи профилактика инспектори, лейтенант Умид Бўриевга рағбатлантириш тариқасида муддатидан олдин «катта лейтенант» махсус унвони берилди.**

– Жамоамиз асосан ёш кадрлардан иборат, – дейди Ғиждувон тумани ИИОФМБ 1-сонли ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Руслан Ибрагимов. – Катта лейтенант Умид Бўриев салкам икки йилдан бери биз билан бир сафда. Шу вақт ичида у ўзини ҳар жиҳатдан кўрсатиб, соҳага адашиб кирмаганини амалда исботлади. Яхши натижалари билан раҳбарият эътиборига тушди.

«Чағдари» маҳалла фуқаролар йиғинида 5 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли асосан ҳунармандчилик, чорвачилик ва деҳқончилик билан машғул. Шу боис ишсизлар, кам таъминланган оилалар деярли учрамайди. Ҳамма ўз тирикчилиги билан банд. Маҳалла ҳудудида ўттизга яқин кичик ишлаб чиқариш цехлари, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари ва тўйхоналар мавжуд. Битта мактаб ва иккита мактабгача таълим муассасаси бор.



– Тиббиётда «Касални даволагандан кўра, олдини олган афзал» деган ибора бор. Бизнинг соҳада ҳам бунга амал қилинади. Бировнинг пешонасига «қамалган» деб тамға босишдан кўра, уни нотўғри йўлга киришдан сақлаб қолишни кўзлаймиз. Битта оилада тинчликни сақлаб қолиш бутун бир маҳалланинг осойишталиги, хотиржамлигини таъминлашга қўшилган улушдир, – дейди катта лейтенант Умид Бўриев. – Бунинг учун ҳамжиҳатликда хизмат қиляпмиз. Маҳалла фаоллари Ғаффор Самадов, Обид Орипов, Муҳаммад Муродов, Сано Элиев, Наби Жўраев доим биз билан бирга: ярашитириш бўладими ёки профилактик суҳбатларми, чақирсак, дарров етиб келишади. Қолаверса, маҳалла ҳудудида тунги навбатчилик ташкил қилингани ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим ўрин тутмоқда. Бу ишда жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчим Дилшод Қаюмовнинг хизматлари катта.

Нотинч оилалар билан ишлаш алоҳида ёндашувни талаб этади. Чунки ҳамма ҳам, айниқса, аёллар ичидаги дардини ички ишлар органи ходимига тўкиб солавермайди. Уйимдаги гап кўчага чиқмасин, деган истиҳолага боради, ийманади. Бир қарашда аҳил-иноқдек туюлган айрим оилаларда эркак спиртли ичимлик ичиб келганида аёлига, болаларига қўл кўтаришини фақат уларнинг яқинларигина билади. Уйдаги гап ташқарига чиқмайди. Лекин кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, бундай ҳолатлар баъзан кўнгилсиз тугаши мумкин. Бундай пайтда маҳалла фаоллари, кўпни кўрган отахону онахонлар оилаларда тинчлик-хотиржамликни тиклашда катта роль ўйнайди. Уларнинг панд-насиҳати, маслаҳати туфайли оилавий келишмовчиликларга, қўни-қўшнилар ўртасидаги жанжалларга барҳам бериляпти.

Профилактика инспектори бекорчилик турли кўнгилсиз ҳолатларнинг, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг асосий омилларидан бири эканлигини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлашга астойдил ҳаракат қилмоқда. Ишсиз фуқароларнинг имтиёзли кредит олишига кўмаклашяпти. Биргина ўтган йили "Ҳар бир оила тадбиркор" дастури асосида йигирмага яқин фуқаро имтиёзли кредит олиб, оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Мисол учун, ака-ука Сафаровларнинг бири ватин ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, иккинчиси чиқиндиларни пресслаб, қайта ишлаш заводларига юборяпти. Ҳар иккиси ҳам айни пайтда ўндан ортиқ иш ўринлари яратиб, оилалар тўкинлигини таъминлаб келмоқда.

– Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларга катта эътибор қаратиляпти, – дейди катта лейтенант У. Бўриев. – Уларнинг интилишлари қўллаб-қувватланяпти, эришган натижалари учун муносиб рағбатлантириляпти. Маҳалла оқсоқоли, фаоллар билан ҳамкорликдаги фаолиятимиз эътироф этилиб, вазиримизнинг туманга ташрифи чоғида назарига тушганим мени жуда хурсанд қилди. Вазиримизнинг ишончини оқлашга, халқимга сидқидилдан хизмат қилишга ваъда бераман.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Бухоро вилояти.*

ХУШХАБАР

# ИСТАМ ҚУДРАТОВ – МУТЛАҚ ҒОЛИБ

**Беларусь Республикаси пойтахти Минск шаҳрида самбо бўйича Президент совrини учун XXIV халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли турнирда дунёнинг 24 мамлакатидан ташриф буюрган энг кучли самбочилар иштирок этишди. Халқаро мусобақада самбо ва жанговар самбо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоалари муносиб қатaшиб, 3 та олтин, 1 та кумуш ва 3 та бронза медалларни қўлга киритди.**



Жанговар самбо бўйича вакилларимиз умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни эгаллади. Ички ишлар вазирлиги Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси Навоий вилояти ИИБ тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди ходими, сафдор Истам Қудратов 74 кг. вазн тоифасида 1-ўринни эгаллаб, олтин медални қўлга киритди. У мусобақа давомида жами 4 та жанг ўтказди. Ярим финалда Туркманистон вакили Алланазар Байлиев билан беллашди. Финалда эса украиналик вакили Виталий Красножонни мағлуб этиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

**Ўктам УСМОНОВ,**
**лейтенант.**

# ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Очиғини айтиш керак, отасининг талабчанлиги, кези келганда, қаттиққўллиги сабаб Эркинжон меҳнатсевар, масъулиятли, тартиб-интизомли ҳамда она юртига садоқатли фарзанд бўлиб етишди. Бугунги кунда унинг хизмат ҳудудида олти мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Фаолияти давомида маҳаллаларда бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўймади. Бунинг сири маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан қўлни қўлга бериб ишлаётганидадир.

– Инспекторга ёлчиганмиз. Ёш бўлишига қарамасдан, Эркин маҳалламиз аҳлининг ҳурматини, ишончини қозонган. У бошқаларнинг ташвишини ўзининг ташвиши деб билади, – дейди мамнуният билан «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Норбибиш Жалолова.

Профилактика инспектори Эркин Олтинов ўзига бириктирилган маҳаллаларда хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида эришган ютуқлари учун унга яқинда Ички ишлар вазири томонидан муддатидан олдин «катта лейтенант» махсус унвони берилди. Бу эса, ўз навбатида, бутун вилоят Ички ишлар бошқармасининг ҳам ютуғидир. Айниқса, 20 йилдан ортиқроқ профилактика соҳасида хизмат қилиб келаётган отаси Фазлиддин аканинг қувончи чексиз.

– Эркин болалигида менга ҳавас қилиб, фуражкамни кийиб ойнага қарашни яхши кўрарди. Буни қарангки, ўшанда фаришта омин деган экан, йиллар ўтиб ота касбини танлади. Сочимга оқ оралай бошлаганда ёнимда елкама-елка бўлиб ишлаётган азамат ўғлим борлигидан фахрланаман, – дейди у.

Дарҳақиқат, профилактика катта инспектори, подполковник Ф. Қурбонов хизмат олиб бораётган Кармана туманидаги «Талқоқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 11 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла тинч-осойишталиги боис одамлар ундан мамнун. «Меҳнат қилган элда азиз» деб бежиз айтишмайди. Соҳадаги кўп йиллик самарали хизмати, эришган ютуқлари учун 2019 йил октябрь ойида унга рағбатлантириш тариқасида «подполковник» махсус унвони берилган.

Эркак кишининг ишида унум, топишида барака бўлиши аёлига ҳам боғлиқ. Икки фарзанднинг онаси Фотима Қурбонова турмуш ўртоғи ва тўнғич ўғлининг эл-юрт корига ярайдиган мард ходимлар эканидан хурсанд. Миллий гвардия ҳарбий-техника институтида ўқиётган кенжа ўғли Шаҳриёрдан ҳам умиди катта.

– Тўғриси, турмуш ўртоғимнинг уйга кеч келишларига кўникиб қолганман. Ишдан келганларида ҳам керак бўлса, яна шошиб изларига қайтган пайтлари бўлган. Нима қиламиз – хизматчилик. Уларнинг ишдан қайтишларини баъзан ғурурланиб, баъзан юрагимда ҳадик билан кутаман. Аммо шундай оилам борлигидан чексиз фахрланаман, – дейди Фотима опа.

Мухтасар қилиб айтганда, умрини, бор куч-ғайратини Ватани тинчлик-осойишталиги йўлида бахшида қилаётган ота-ўғилнинг келгуси фаолиятларида омад тилаб қоламиз.

**Ўз мухбиримиз.**

БУДНИ ИНСПЕКТОРА ПРОФИЛАКТИКИ

# ОТВЕТСТВЕННО ВЫПОЛНЯЯ ВОЗЛОЖЕННЫЕ ЗАДАЧИ

**Будущее Узбекистана определяет инициативная, энергичная, обладающая твердой жизненной позицией молодежь, способная задействовать все свои силы, знания и потенциал во имя интересов народа, взять на себя ответственность за завтрашний день страны**

В числе молодых сотрудников, пополнивших ряды специалистов органов внутренних дел, выполняющих задачи по борьбе с преступностью, ее предупреждению, укреплению в обществе правопорядка, – лейтенант Эльёр Ганиев.

– Являюсь выпускником Академии МВД Республики Узбекистан 2019 года. После завершения обучения, для продолжения службы был направлен в Сырдарьинскую область. Работаю инспектором профилактики группы профилактики правонарушений ОВД №3 УКД ОВД города Гулистана. Службу несу, равняясь на опытного наставника – майора Гайрата Бердикулова, опираясь на его советы в вопросах эффективной организации предупреждения правонарушений на вверенной административной территории, – говорит молодой специалист.

На территории махаллей Интилиш, Юксалиш и Бахор, закрепленных за лейтенантом Эльёром Ганиевым и его коллегой лейтенантом Хакимом Ташкузиевым, проживает более 11 200 человек. Здесь функционируют три общеобразовательные школы, целый ряд объектов социально-бытового назначения, гостиница «Чехра Палас», принимающая гостей не только из различных регионов республики, но и соседних стран.

– Одно из важнейших направлений деятельности – повышение уровня правовой культуры и правосознания граждан, – подчеркивает лейтенант Э. Ганиев. – При реализации мер по выявлению и устранению причин и условий совершения правонарушений работаем в тесном взаимодействии с общественностью.

По словам молодого специалиста, в своей работе он всегда может рассчитывать на поддержку активистов махаллей, уважаемых представителей старшего поколения, среди которых Тоир Кодиров, Маъруф Саттаров и др., принимающих участие в организации и проведении профилактических мероприятий.

– Эльёр обладает качествами, важными для сотрудников нашей службы, – целеустремленностью, коммуникабельностью, наблюдательностью, – говорит старший инспектор профилактики майор Гайрат Бердикулов. – Он прилагает все усилия к тому, чтобы выполнять возложенные на него задачи качественно и в срок. Работу ведет системно, что способствует достижению положительных результатов в профилактике правонарушений.



**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент «На посту».**
*Сырдарьинская область.*

ПЯТЬ ИНИЦИАТИВ ПРЕЗИДЕНТА

# МУЗЫКА ИХ СВЯЗАЛА

**Тридцать процентов населения нашей страны составляет молодежь от 14 до 30 лет. Созданы широкие условия для приобретения юношами и девушками образования и профессий. Однако сохраняется актуальность вопроса проведения ими содержательного досуга. Глава нашего государства выдвинул пять важнейших инициатив по организации социальной, духовно-просветительской работы**



В рамках их исполнения сотрудники 2-го отдельного батальона Управления охраны Андижанской области Национальной гвардии Республики Узбекистан встретились с учащимися специализированной музыкальной школы города Андижана. Они рассказали о прохождении службы в рядах Национальной гвардии, трудной, но почетной профессии стражей порядка, мерах социально-правовой защиты сотрудников, ветеранов и членов их семей.

Гвардейцы живо интересовались жизнью будущих музыкантов, тем, какие произведения они исполняют. Состоялся совместный концерт сотрудников и учащихся специальной музыкальной школы. Были исполнены узбекские национальные произведения.

В завершение мероприятия молодые музыканты получили памятные подарки и обещание гвардейцев снова сыграть вместе.

**Муслимбек ЭРГАШЕВ,**
**старший инспектор пресс-группы Управления охраны Андижанской области Национальной гвардии Республики Узбекистан, лейтенант.**
**Фото автора.**

ОТКЛИК

# ЗАЩИТА РОДИНЫ – ПОЧЕТНАЯ ОБЯЗАННОСТЬ

**Как отметил Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев в своем Послании Олий Мажлису от 24 января 2020 года, «первостепенное значение имеет развитие духовно-нравственного мира наших людей, особенно молодежи. Поэтому важнейшей задачей для нас является ее воспитание на основе идеи «От национального возрождения – к национальному прогрессу», в духе патриотизма, преданности Родине»**

Руководство страны уделяет большое внимание вопросам патриотического воспитания молодежи, формированию у подрастающего поколения чувств национального достоинства и гордости за Родину.

Формирование интеллектуально развитой, духовной, патриотично настроенной личности есть главная задача нашего общества. Воспитание подрастающего поколения должно основываться на богатом наследии узбекского народа, общечеловеческих ценностях, достижениях современной культуры, науки и техники.

Укрепление и защита Отечества, адекватное реагирование на возникающие вызовы и угрозы под силу только всесторонне развитой, гармоничной личности, обладающей высоким чувством патриотизма.

Духовно-просветительская работа в системе Вооруженных Сил Республики Узбекистан основывается на концептуальной идее: «Родина – священна, защита ее – почетный долг!». В ней защита независимости, территориальной целостности Республики Узбекистан, нашего народа утверждается как самая важная задача.

Свидетельством тому является постановление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева «О коренном совершенствовании системы повышения духовно-просветительского уровня военнослужащих Вооруженных Сил Республики Узбекистан».

В документе проведен всесторонний анализ духовно-просветительского уровня военнослужащих Вооруженных Сил Республики Узбекистан, выработаны приоритетные направления повышения эффективности духовно-просветительской работы. В частности говорится о необходимости формирования у военнослужащих широкого кругозора, чувства гордости за национальную армию, уважения к военной службе и ответственности за обеспечение безопасности государства.

Основная сущность и содержание данной идеи направлены на формирование честных, преданных, самоотверженных патриотов, не щадящих жизни в деле обеспечения мира и спокойствия, процветания и развития нашей Родины.

**Ирина ДОЛГОВА,**
**доцент Военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан.**

КАК ЖИВЕШЬ, РОВД?

# ОБЕСПЕЧИВАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ ГРАЖДАН

**В дежурную часть Балыкчинского РОВД с заявлением обратилась жительница многоэтажного дома № 14, расположенного в махалле Оккургон, Саида Отамирзаева. Женщина сообщила, что ночью из второго и третьего подъездов дома были похищены обогревательные системы «Витек» общей стоимостью более 6 миллионов сумов. Жители дома остались без отопления**



В ходе оперативно-розыскных мероприятий, проведенных сотрудниками Балыкчинского РОВД, подозрение пало на жителей вышеназванной махалли – 25-летнего Козимбека М., 29-летнего Бобуржона Т. и 28-летнего Илхома М.

Подозреваемые были задержаны. В качестве вещественных доказательств парням предъявили записи с камер видеонаблюдения, на которых они были зафиксированы выходящими из подъездов дома с похищенными обогревательными системами. Подозреваемые признались в содеянном. Они рассказали, что ночью проникли в подъезды, демонтировали обогревательные системы, погрузили на автомашину «Спарк», принадлежащую Козимбеку М., отвезли в Фергану и продали украденное за 4 миллиона сумов. Благодаря профессиональной работе оперативников обогревательные системы были возвращены на место, и в квартиры пришло тепло.

– В 2019 году количество преступлений снизилось на 15 процентов, – рассказывает начальник Балыкчинского РОВД подполковник Сардорбек Умаров. – В этом большая заслуга территориальных инспекторов профилактики. В Балыкчинском районе, который граничит с Наманганской областью и Шахриханским, Алтынкульским, Бозским и Улугнорским районами Андижанской области, в 66 махаллях проживает более 195 тысяч жителей. Особую роль в предотвращении и раскрытии преступлений играют камеры видеонаблюдения. В настоящий момент установлено более 650 камер на базарах, улицах, в многолюдных местах, махаллях, многоэтажных домах. Проводится работа по внедрению концепции «Безопасная территория». Камеры видеонаблюдения устанавливаются в зонах отдыха, медицинских учреждениях, учебных заведениях, многоэтажных домах, организациях, на предприятиях, автозаправках, улицах и перекрестках.

Стоит отметить, что в 15 махаллях: Катта булок, Шеробод, Кулбуйи, Саховат, Эшончек, Зулфикор, Халфачек, Афсона, Матонат, Аралхон, Дарёбуйи, Улмас, Юзчинор, Октепа, Сиза не было совершено ни одного преступления.

Задают тон в работе и являются примером для других опытные сотрудники – старшие инспектора профилактики майоры Элмурод Абдуманнопов и Зафарбек Расулов, оперуполномоченные отделения уголовного розыска капитан Элёр Рузиматов и лейтенант Абдувохид Рустамов, помощник оперативного дежурного оперативной дежурной части рядовой Иномжон Мамадалиев.



Для успешной работы и плодотворного отдыха личного состава созданы необходимые условия. В подразделении есть зал для проведения занятий по духовности и просветительству, прекрасная библиотека, тренажерный зал, спортивные площадки. Недавно был завершен наружный и внутренний ремонт здания РОВД. В кабинетах стало светлее и уютнее.

Футбольные и волейбольные команды Балыкчинского РОВД не раз становились победителями областных соревнований среди сотрудников правоохранительных органов.

Особое внимание уделяется профилактическим мероприятиям, проводимым среди молодежи. Ведь кроме учащихся школ, лицеев и колледжей есть и неорганизованная молодежь. Это молодые ребята в возрасте от 18 до 30 лет. Главная задача – их трудоустройство. Ребят трудоустраивают в фермерские хозяйства, на малые предприятия, в производственные фирмы. Многие желают открыть собственное дело – организовать цех или садовое хозяйство. Им оказывается помощь в получении кредитов и пахотных земель. В районе проводятся различные культурно-массовые и спортивные мероприятия, в которых активное участие принимает неорганизованная молодежь.



Что касается обращений физических и юридических лиц, то работа в этом направлении налажена четко. В 2019 году в отделение по работе с обращениями физических и юридических лиц, которым руководит капитан Шухратбек Холдоров, поступило 1 015 жалоб и заявлений, 939 из них получили положительное решение, 45 – находятся в производстве. С начала текущего года поступило 59 жалоб и заявлений, 34 их них решены положительно, 25 – находятся в процессе рассмотрения.

Территориальные инспектора профилактики проявляют энтузиазм и инициативу. Каждый день с активистами местных сходов самоуправления граждан они совершают подворные обходы, выявляют жителей, имеющих пристрастие к алкоголю, направляют их на принудительное лечение в областной наркологический диспансер. Проводятся профилактические беседы с женщинами, подростками, решаются вопросы трудоустройства лиц, вернувшихся из мест лишения свободы. Кроме того, инспектора профилактики раскрывают преступления, находят граждан, скрывающихся от следствия за совершенные преступления. К примеру, старший инспектор профилактики майор Зафарбек Расулов задержал Мухаммаджона А., скрывавшегося от следствия за преступления, связанные с торговлей людьми.

Ответственные сотрудники отдела посещают семьи личного состава, беседуют с родителями и родственниками стражей порядка, помогают решать насущные проблемы.

Балыкчинский район является отдаленным. Несмотря на это, личный состав работает с полной отдачей, ставит надежный заслон на пути правонарушителей, выполняет ответственные задачи по обеспечению безопасности граждан, стабильного общественного порядка.

Однако в области профилактики правонарушений многое еще предстоит сделать. В процессе реализации поручений, данных главой нашего государства, в центре внимания всегда должны находиться вопросы дальнейшего укрепления взаимодействия государственных органов, активистов махаллей и других общественных структур.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**

***На снимках:*** *здание Балыкчинского РОВД после ремонта; старший инспектор группы кадров капитан З. Набижонов в библиотеке Балыкчинского РОВД; инспектор профилактики лейтенант М. Хайдаров беседует с жителем махалли К. Омоновым.*
**Фото автора.**

*Андижанская область.*

ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ШУКУҲЛИ КУНЛАР ҚАДРИ

**Ёши улуғ, табаррук инсонларнинг панд-насиҳатлари, машаққатли кунларни хотирлаб айтган сўзлари тинчликни қадрлаш, шукур қилиб яшашга ундайди. Ана шундай нуронийлардан бири Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 96 баҳорни қаршилаётган Аҳмед бобо Муҳсиновдир.**

Аҳмед бобонинг ёшлик даври оғир ва синовли йилларда кечди: ота-онасидан эрта айрилиб, опаси Жамиланинг қарамоғида вояга етди. Ўн саккиз ёшга тўлмай туриб, барча қатори урушга отланди. Жангларда мардлик намуналарини кўрсатди. У кунларни эслашнинг ўзи оғир. Бироқ яхши кунлар келади, деган умид билан яшади. Бобо кутган орзулар ушалди, бугун мамлакатимиз осойишта, халқимизнинг турмуши фаровон. Амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишларини кўриб, бобо қувонч ёшлари билан:

– Бугунги авлодларимизнинг бахти бу. Мана шу осойишталикнинг қадрига етайлик, уни кўз қорачиғимиздай асрайлик. Зеро, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, – дейди.



Урушдан сўнг А. Муҳсинов вилоят босмахонасида ишлади. Бухоро педагогика институтини тамомлагач, бир муддат ўқитувчилик қилди. 1969 йилдан мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида ички ишлар органларига хизматга кирди. Уни вилоят ИИБ сиёсий бўлими бошлиғининг ўринбосари этиб тайинлашди. Ички ишлар органлари тизимида самарали меҳнат қилиб, майор унвонида пенсияга чиқди. Унинг фидокорона хизматлари инобатга олиниб, давлатимиз томонидан «Жасорат» медалига муносиб кўрилди.

Аҳмед бобо Муҳсинов пенсияга чиққандан кейин ҳам қўл қовуштириб ўтирмади. У маҳалла фаолларига яқиндан ёрдам бериб келди. Раҳматли рафиқаси Нарзи ая билан фарзандларини эл-юрт корига ярашни шараф деб биладиган, обрў-эътиборли кишилар қилиб тарбиялади. Айни пайтда невараю чевaралари эллик нафардан ошди.

Аҳмед бобо уруш йилларини сира ёдидан чиқара олмайди. Фарзандлари ва набираларига бугунги порлоқ ҳаётнинг, беғубор осмон остида кечаётган фаровон турмушимизнинг, қадрига етиш кераклигини ҳаётда кўп қийинчиликларни бошидан кечирган инсон сифатида доимо уқтириб келади.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Бухоро вилояти.*

**Суратда:** *истеъфодаги майор Аҳмед бобо Муҳсинов ўғли Аброр ака билан.*

ФАХРИЙЛАР ҲАЁТИДАН

# ИБРАТЛИ УМР ЙЎЛЛАРИ

**Эл орасида эзгу амаллари билан танилган инсон эъзоз топади. Бундай кишилар билан суҳбатлашганинг сари кўнглинг ёришиб, кайфиятинг кўтарилиб бораверади. Узоқ йиллар ички ишлар органларида ишлаб, бугунги кунда кексалик гаштини суриш билан бирга, бир талай хайрли ишларга бош бўлаётган ана шундай нуроний инсонлар ИИВ Фахрийлар кенгашида ҳам талайгина. Кенгаш фаолларидан бири, истеъфодаги полковник Ғуломжон Йўлдошевни билганлар у киши ҳақида фақат илиқ сўзлар айтади.**

Ғ. Йўлдошев асосан кадрлар, котибият, паспорт тизими ҳамда халқаро ҳамкорлик хизматларида фаолият кўрсатган.

– Барчаси ўзига яраша масъулиятли эди, – дейди истеъфодаги полковник ўтган йилларни эсга оларкан. – Айниқса, паспорт тизимида ишлаган кезларим жуда қийин даврлар бўлган. Ходимлар кам эди. Чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар билан ишлардик.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг давлатимиз томонидан бу тизимга алоҳида эътибор қаратилди. Фаолиятимиз анча кенгайди. Шароитларимиз ҳам яхшиланди.

**– Мустақил давлатимизнинг миллий паспорти қандай «дунёга келган»?**

– Собиқ иттифоқ тарқаб кетгач, МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб бизнинг мамлакатда миллий паспорт тайёрлаш чора-тадбирлари кўрилди. Бу борада ИИВга топшириқ берилгач, Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда иш олиб бордик. Хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўргандик. Европа, Осиё мамлакатларида, жумладан, Исроил, Буюк Британияда бўлиб, паспортнинг намуна нусхасини тайёрлаб, ҳукуматга тақдим этдик.

Эски тузум даврида паспортлар алоҳида рангли сиёҳ билан қўлда ёзиларди. Лекин янги паспортни фақат техника ёрдамида тўлдириш мумкин эди. Бундай техникаларни эса ишлатишни биладиган мутахассис кадрлар етишмасди. Шунинг учун махсус курс ташкил этдик. Республикамизнинг барча минтақаларидан кадрлар мазкур курсларда мутахассислар томонидан ўқитилди. Хуллас, қисқа фурсатда етарлича мутахассисларга ҳам эга бўлдик.

**– Қийин, оғир шароитларда касб машаққатларини қандай енггансиз?**

– Ички ишлар органларида ишлаш катта масъулиятни талаб этади.

Ўша пайтлари ҳам, ҳозир ҳам шогирдларимга, учрашувларда ёш ходимларга тез-тез такрорлайдиган бир иборам бор: ҳар бирингизнинг миянгизда битта лампочка бўлсин, унинг номини ҳушёрлик деб атанг. Ҳатто оила даврасида бўлганингизда ҳам, бу лампочкани сира ўчирманг, дейман. Агар ички ишлар органи ходими бепарво, касбига лоқайд бўла бошласа, унинг тўғри йўлдан оғиши, камчиликларга йўл қўйиши ҳеч гап эмас экан. Тўғри, тизим ходими формали кийим-бошининг ўзига яраша салобати бор. Уни кийиш орзуси армонга айланганлар қанча. Аммо форма кийгач, юриш-туришида ўзгариш, феълида кибр пайдо бўладиган ходимлар ҳам учраб туради. Ҳақиқий осойишталик посбони ҳеч қачон шаънига доғ туширмаслиги, доимо халқ корига камарбаста бўлиши, сидқидилдан хизмат қилиши лозим. Ҳалолликда, фидойиликда гап кўп. Мен мана шундай шогирдларим борлигидан фахрланаман. Касб байрами, Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида, Ҳайит ва Наврўз байрамларида бир талай шогирдларим кўргани келишади. Уйимиз меҳмонга тўлиб кетади. Шундай кунлари қариндошларим ҳам, қўни-қўшниларим ҳам менга ҳавас билан қарашади. Шунда касбим туфайли битмас-туганмас меҳр топганимдан севинаман.



**«Postda» мухбири Адолат ФАЙЗИЕВА суҳбатлашди.**

**P.S.** *Мақоламиз қаҳрамони 4 март куни табаррук 75 ёшни қаршилайди. ИИВ Фахрийлар кенгаши ҳамда таҳририятимиз жамоаси номидан у кишини таваллуд куни билан муборакбод этамиз. Унга узоқ умр, тансиҳатлик, хонадонига файзу барака тилаймиз.*

БИЛАСИЗМИ?

# Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонаси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг таклифига биноан 19–20 февраль кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Қуйида мазкур кутубхона ҳақида айрим қизиқарли маълумотлар билан танишасиз.**



- Ушбу кутубхона дунёдаги энг кўркам ва бой китоб фондига эга кутубхоналардан бири саналади.
- Кутубхона фондидан 2 млн. дан ортиқ босма китоб, 12500 дона босма журналнинг 2 млн. дан ортиқ сони ўрин олган.
- Унда, шунингдек, 550 минг электрон китоб, 6,5 млн. электрон илмий ишлар ва 60 мингга яқин электрон журналга оид 120 млн.га яқин мақола, ҳисобот ва бошқа маълумотлар мавжуд.
- Президент девони Халқ кутубхонаси 11 қаватдан иборат. Бир вақтнинг ўзида 5 минг китобхонни қабул қилиш имконига эга.
- Кутубхонанинг энг катта «Жаҳоннома» залида 16 та устун бор. Бу – 16 та туркий халқларнинг рамзий маъносини билдиради.
- Ўқиш залларида фойдаланувчилар телефонда гаплашишлари, чой ва қаҳва ичишлари ҳамда суҳбатлашишлари мумкин бўлган 8 та дам олиш бўлими ҳозирланган.
- Кутубхонанинг 1699 метр квадрат майдонда жойлашган нодир асарлар бўлими бир вақтнинг ўзида 226 нафар китобхонга хизмат кўрсата олади. Бу ерда 50 мингга яқин нодир асарлар ва уларнинг электрон версиялари сақланади.
- Кутубхонада 24 та тренинг хоналари ва синфлар мавжуд бўлиб, бу синфлар 328 киши учун мўлжалланган.
- Салжуқийлар номли кўргазма ва музей залида турли даврларга оид кўргазмалар ташкил этилади.
- Кутубхонада китобхонларга ҳар куни 24 соат мобайнида хизмат кўрсатилади.
- Китобхонларга чой, қаҳва каби ичимликлар, симит ва кек ширинликлари бепул тақдим этилади.

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ ИЖОДИ

# АҲОЛИ ОРАСИДА ПОЛИЦИЯ НУФУЗИНИ ОШИРИБ



**Озарбайжон Республикаси ИИВ Матбуот хизмати вазирлик соҳавий хизматлари ишининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида аҳолини доимий равишда хабардор қилади ҳамда ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятининг даврий матбуотда мунтазам ёритилишини ташкиллаштиради.**

Ушбу хизмат ички ишлар органларининг фаолияти, фавқулодда вазиятлар, ИИВ томонидан кўрилаётган муҳим чора-тадбирлар ҳақидаги тезкор маълумотларни ОАВга етказади, вазирлик номидан баёнотлар беради, расмий хабарлар билан чиқади, вазирликнинг оммавий ахборот воситалари, шунингдек, ташвиқот ишларини олиб борувчи бошқа хизматлари ижодий фаолиятини мувофиқлаштиради. Озарбайжон Республикаси ИИВ Матбуот хизмати таркибига **«Мубариз кешикде»** («Жанговар постда»), **«Аскер»** («Аскар»), **«Полис»** («Полиция») газеталари, **«Янгынла мубаризе»** («Олов билан кураш») журнали каби босма нашрлар киради.

Боку шаҳри Полиция бош бошқармаси томонидан 1993 йилда таъсис этилган **«Полис»** («Полиция») газетаси 6 200 нусхада чоп этилади. Газета таҳририяти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, қонунийлик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланиб, шунингдек, полиция фаолиятининг асосий йўналишлари (айниқса, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш)дан келиб чиқиб, полиция ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро шаффоф муносабатларни яратишга хизмат қилади.

Таҳририят ходимлари муштарийлар доирасини кенгайтириш учун полиция ходимларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини сақлаш, барқарорликни таъминлаш борасида олиб бораётган машаққатли ва шарафли ишларини ўз газетаси саҳифаларида ёритиш учун барча имкониятларни ишга солади, шу тариқа, аҳоли ўртасида полициянинг нуфузини оширишга ҳисса қўшади.






# ЎҒРИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИШ КЕРАК?

Ўғрилик нима эканини ҳамма билади, бу – жуда кенг тарқалган жиноят тури.

Баъзида болалар, агар тенгдошлари уларнинг ўйинчоқларини рухсатсиз олишса, бу хатти-ҳаракатни «ўғрилик» деб қабул қилишади. Аслида ўғрилик – болалар ўйини эмас. Эшик ёки деразадан ошиб кириш орқали амалга ошириладиган мулк ўғрилигининг олдини олиш учун муайян чораларни кўриш жуда муҳим. Маълумки, ўғрилик содир бўлганда полиция ўғрини қидиради, топади ва жавобгарликка тортади. Бу жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига тегишли. Оддий фуқаролар эса ушбу жиноят қурбонига айланмаслик учун ўғриликнинг олдини олиш воситаларини топиши зарур. Табиийки, бунинг тайёр усуллари йўқ, ҳаммаси вазиятга боғлиқ. Бироқ олдини олиш чораларининг самарадорлигига ишонган мутахассислар уларнинг баъзилари хонадонларни босқинчилардан ҳимоя қила олишига ишонишади.

Биринчидан, уйда ёлғиз бўлганингизда эшикни нотаниш кишиларга очманг. Бу ҳамма амал қилиши жоиз бўлган асосий ва айтиш мумкинки, мажбурий қоидадир. Ўғрилик содир этиш ниятида бўлган шахс ёпиқ дераза орқали ичкарига киришга кўп вақт сарфлаб ўтирмайди. Дераза ойнасини синдириб, ортиқча эътибор жалб қилиш мумкин. Деразада қўшимча қулф борлигини пайқаган ўғрилар уни очишга уринмайди. Умуман олганда, балкон эшиги ва деразаси мустаҳкам металл ромдан бўлгани маъқул. Бу нафақат биринчи, балки иккинчи ва учинчи қаватларда жойлашган хонадонларга ҳам тегишли, чунки ўғри учун икки-уч қават юқорига кўтарилиш қийин эмас.

Уйингиз хавфсизлигини таъминлаш учун кириш эшигига иккита қулф ўрнатишни маслаҳат берамиз. Бу қулфни бузиш ёки махсус мослама ёрдамида эшикни очишнинг олдини олади. Бундан ташқари, тунда эшикни қўшимча равишда занжир билан ҳам ёпиш керак. Агар бошқа уйга ёки янги иш жойига кўчиб ўтсангиз, биринчи галда қулфни ўзгартиринг.

Уйга фолбинларни киритманг, акс ҳолда, қимматбаҳо буюмларингиздан ажраб қолишингиз мумкин. Бундай кўринишдаги жиноятлар пойтахтда ва яқин туманларда бир неча бор кузатилган. Ҳар гал полиция ўғирланган буюмларнинг эгаларига ёрдамга келган. Техник воситалардан ташқари, қўни-қўшнилар билан яхши муносабатлар ҳам сизни кўнгилсизликлардан қутқариши мумкин. Аҳил қўшничилик муносабатларини экспертлар ўғриларни тўхтатувчи омил деб баҳолашади. Уларнинг бирдамлиги ҳуқуқбузарлик учун бир бутун жамоат тўсиғини яратиши мумкин.

Агар кўрилган барча чораларга қарамай, уйга қайтганингизда дераза ойнаси синдирилгани ёки эшик қулфи бузилганини кўрсангиз, ичкарига киришга шошилманг, ўғрилар ҳамон хонадонда бўлиши ҳеч гап эмас. Бундай ҳолларда дарҳол полицияга ( Навбатчилик қисми «1022») хабар бериб, уйни назорат остида ушлаб туриш лозим. «Олтин қоида»ни унутмаслик керак: агар жиноят содир этилган бўлса, ҳеч нарсага тегмай, шу заҳотиёқ полиция чақириш зарур. Унутманг, ўғрини у қолдирган излар орқали топиш осон кечади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, буларнинг барчаси сизнинг имкониятларингиз доирасидаги олдини олиш чораларидир. Ўз мулкингиз хавфсизлигини таъминлашни профессионалларга топширган маъқул. Маълумки, республиканинг барча шаҳар ва туманларида ИИВ Қўриқлаш бош бошқармаси бўлинмалари фаолият юритади. Мазкур тузилма билан тегишли шартнома тузилганидан сўнг хонадон ва объектларда хавфсизлик тизимлари ўрнатилади. Замонавий техник воситаларнинг сезувчанлиги шу қадар юқорики, ҳатто хонадондаги объектлар билан содир бўладиган ҳар қандай кичик ўзгаришни ҳам қайд эта олади.

Тизим номаълум шахс қўриқланаётган объектга кириши билан қўриқлаш марказига ташвиш сигналини юборади. Маълумот шу заҳотиёқ ҳудудда хизмат қилаётган полиция нарядларига жўнатилади. Одатда, полицияга ташвиш сигнали тушганидан то полиция ходимларининг ҳодиса жойига етиб келгунча ўтадиган вақт 5 дақиқани ташкил этади.

**«Полис» газетаси.**













УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# ЖЕНЩИНА В РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА

**«Культурный уровень любого общества определяется его отношением к женщине. Это – истина, не требующая доказательств».**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ.**

Социальная роль женщины в современном обществе претерпевает радикальные изменения, меняется ее статус. Представительницы прекрасного пола доказывают, что являются не только неотъемлемой частью исторического процесса, но и его значимой движущей силой.

В последние годы наша страна добилась больших успехов в деле защиты прав и законных интересов женщин, повышении их роли в обществе, реализации сильной социальной политики. Узбекистан принял и ратифицировал более 100 национальных и международных правовых актов, направленных на защиту интересов прекрасного пола.















**Ограничения по признаку пола при приеме на работу, получении образования, оплате труда, продвижении по службе постепенно исчезают. Налицо прогресс в области реализации гендерного равенства. Женщины заняли свою нишу в бизнесе, искусстве, науке, политике, вплоть до избрания их президентами и премьерами.**

Наше государство прилагает все усилия для того, чтобы дать импульс росту женской активности в политике. Возрастает их представительство в политических партиях (а впоследствии и в представительных органах), что в немалой степени связано со стремлением женщин к решению, в первую очередь, социальных проблем.

Участие женщин-депутатов в работе парламентов и иных представительных органов крайне важно для общества в целом, так как на первый план выдвигаются социально ориентированные вопросы: экологии, охраны детей, здравоохранения, социальной защиты.

**Зарубежные исследователи отмечают, что для обеспечения более стабильного экономического и политического равновесия в стране соотношение полов во власти должно быть 50 на 50. Статистика свидетельствует, что государства, имеющие в своих парламентах и правительствах меньше 25–30 % женщин, хуже справляются с проблемами охраны материнства и детства, прав детей, социальной защиты и т. д. Сегодня это приобретает особенно серьезный характер, поэтому необходимо стремиться к увеличению доли женщин во всех ветвях власти.**

Наглядным примером внимания, оказываемого женщинам в нашей стране, повышения их политического статуса стало назначение на очередной сессии Совета народных депутатов Дилфузы Джумановны Ураловой хокимом Баяутского района Сырдарьинской области. В июне 2019 года в должности спикера Сената Олий Мажлиса была утверждена Танзила Нарбаева, став первой в истории страны женщиной, получившей кресло председателя верхней палаты парламента.

**Ни одну сферу государственной и общественной деятельности невозможно представить сегодня без участия женщин. Президент и правительство Республики Узбекистан сделали немало для обеспечения равного доступа представительниц прекрасного пола к службе в государственных структурах, в частности в органах внутренних дел.**

Женщины самоотверженно служат почти во всех подразделениях ОВД: уголовном розыске, следствии, профилактике правонарушений, Караульных войсках, экспертно-криминалистической и других службах. Их немало среди руководящего состава, от начальников отделений до начальников управлений. Согласно постановлению Президента Узбекистана, учреждены должности старших инспекторов профилактики по вопросам женщин, главная задача которых – профилактика преступности и поддержка представительниц прекрасного пола. Изучаются проблемы тех, кто когда-то оступился, во взаимодействии с общественными организациями им оказываются моральная поддержка и помощь.

Сотрудницы органов внутренних дел за образцовую дисциплину и достижение высоких результатов в служебной деятельности награждаются почетными грамотами, нагрудными знаками и медалями, им присваиваются внеочередные звания. Особое внимание руководство МВД Республики Узбекистан уделяет учебе и повышению квалификации женщин, их физической и боевой подготовке. Регулярно проводятся спортивные занятия, мероприятия образовательного характера.

**Недавно 16 представительниц прекрасного пола были назначены на руководящие должности в структурах столичных органов внутренних дел, в основном начальниками следственных отделений, отделений профилактики правонарушений.** Подобные назначения, прежде всего, говорят о большом внимании, уделяемом руководством нашей страны женщинам. Ведь их число в различных подразделениях органов внутренних дел республики из года в год неуклонно растет.

Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев, выступая на первом заседании Сената, отметил необходимость усиления контроля над деятельностью государственных органов, направленной на повышение роли женщин в обществе: «Нам предстоит еще многое сделать для того, чтобы обеспечить гендерное равенство в исполнительных органах, министерствах и ведомствах, доверить ответственные должности нашим уважаемым женщинам. Ведь наши женщины как никто другой знают и глубоко понимают жизненные проблемы, своей самоотверженностью, высокой ответственностью и трудолюбием они являются примером для всех нас».

Если удастся утвердить высокое положение женщины в обществе, то многие проблемы, волнующие человечество, будут решены.

**Азиза БОХОДИРОВА,**
**лейтенант.**

## Знаете ли вы?

Новый состав Сената Олий Мажлиса Узбекистана имеет достаточно высокий профессиональный уровень. Из общего числа сенаторов: 20 – экономисты, 19 – инженеры, 13 – педагоги, 7 – юристы, 6 – медицинские работники, 5 – агрономы, 4 – журналисты, а также 12 представителей общественных организаций. Подтверждением является и тот факт, что среди них 16 докторов и 12 кандидатов наук. При этом 25 процентов членов Сената – женщины.

* * *

По данным ЦИК, среди сенаторов 23 женщины и 61 мужчина.

* * *

Одним из достижений является то, что число женщин, представленных в парламенте, удвоилось: на выборах в 2014 году обладательницами депутатских портфелей стали 24 женщины, а в этот раз эта цифра увеличилась до 48. Нынешние члены парламента также немного младше, чем их предшественники, – их средний возраст составляет 46 лет.

*У ног любимых матерей цветы садов из рая,*
*Как верноподданный любви, живи их охраняя.*
*И если хочешь в рай войти и сам найти цветы,*
*У ног пред матерью своей будь прахом,*
*не вставая.*

Алишер Навои.

* * *

*Рука, качающая колыбель, правит миром.*

Уильям Уоллес.

* * *

*В женщине скрывается удивительная, великая тайна, великая жизненная загадка, источник всех радостей и всех забот.*

Арне Гарборг.

* * *

*Мама – это самое красивое слово, произнесенное человеком.*

Кайл Гибран.

ТРЕТИЙ СЕКТОР

# ВСЕ ДЛЯ БЛАГОПОЛУЧИЯ НАРОДА




**О том, какая работа проводится в третьем секторе, нам рассказал заместитель начальника Организационного управления УВД Бухарской области – начальник отдела юридического обеспечения подполковник Гайрат Хусенов:**



– В последние годы особое внимание уделяется превращению сферы в социально направленную профессиональную систему, способную оказывать своевременную и качественную помощь населению. Эта работа дает свои плоды. Доверие людей к органам внутренних дел растет. Не последнюю роль в коренном улучшении условий жизни наших граждан играет деятельность секторов по комплексному социально-экономическому развитию регионов, в частности третьего сектора.

В прошлом году рабочими группами сектора был проведен подворовой обход почти 98 тысяч домов, расположенных в 141 сходе граждан махалли. Имеющиеся проблемы изучили и внесли в «дорожную карту». В основном они касаются вопросов газо-, электро- и водоснабжения, здравоохранения, дошкольного образования, занятости, банковских кредитов, паспортного вопроса, кадастра, конфликтов в семьях. С участием соответствующих организаций и учреждений их обсудили и решили положительно.

Руководитель третьего сектора области полковник Шухрат Алиев в прошлом году провел 34 выездных приема. В ходе приемов было подано 309 заявлений, из которых удовлетворено 250. В «дорожную карту» было внесено 59 проблем.

Был проведен анализ состояния социальных объектов, многоэтажных домов, зданий, сооружений, улиц. В результате многих жителей обеспечили баллонами с сжиженным газом и газовыми плитами, ряд махаллей – питьевой водой, раздали уголь; сельские дороги отремонтировали, заасфальтировали, выложили брусчаткой; больных обеспечили лекарствами, оказали им материальную помощь; граждане с ограниченными возможностями получили слуховые аппараты, костыли, инвалидные коляски. Организовали ярмарки, на которых по низким ценам были реализованы продукты питания.

В результате реализации инвестиционных проектов по развитию сферы промышленности, сельского хозяйства и обслуживания, запланированных на 2019–2020 годы, в секторах было создано около 1 400 новых рабочих мест, начали деятельность более 1 300 субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства, благодаря чему создано свыше 2 960 рабочих мест, возобновлена работа более 2 240 предпринимателей, выделены льготные кредиты желающим открыть бизнес.

Особое внимание уделяется обеспечению субъектов предпринимательства земельными площадями. По состоянию на сегодняшний день, в третьем секторе сформирован и внесен в программу список пустующих земельных участков. В результате проведенной описи выявлены пустующие, бездействующие объекты государственной собственности, часть из которых уже эффективно используется, а признанные негодными – сносятся в соответствующем порядке.



В прошлом году была проделана большая работа в рамках программы «Обод кишлок». В целях социально-экономического развития во многих селах были проведены ремонтные работы: отремонтированы дороги, проложен электропровод, восстановлено уличное освещение, отремонтированы водо- и газопроводы, проведена благоустроительная и озеленительная работа. Завершен ремонт в восьми школах и дошкольных образовательных учреждениях, шести поликлиниках и больницах. Возведен ряд пунктов бытового обслуживания. Благодаря этому повышается культурный уровень жизни населения, регионы приобретают современный облик.

Наряду с этим ведется системная работа по раннему предупреждению правонарушений и преступности. Выявляются конфликтные семьи, безработные, лица, склонные к употреблению спиртных напитков и совершению преступлений. Приняты меры по трудоустройству не имеющих работу граждан, привлечению желающих к предпринимательской деятельности. Лиц, склонных к совершению преступлений, закрепили за активистами махалли и ответственными за них родственниками. С ними регулярно проводится профилактическая работа, к которой привлекаются представители общественных организаций. Совершенные преступления и правонарушения обсуждаются с участием руководителей секторов, что позволяет выявить причины их совершения и предотвратить повторное правонарушение.

Наряду с достижениями имеются и нерешенные вопросы, работа над которыми продолжается. В 2020 году сотрудники третьего сектора приложат еще больше усилий для улучшения жизни махаллинцев и обеспечения мира и спокойствия на вверенной территории.

**Записал Мирзокул АХАДОВ, корреспондент «Postda».**

*Бухарская область.*

КОРОТКОЙ СТРОКОЙ

## Хотел дать взятку сотруднику

В ходе рейдовых проверок мастерских по обслуживанию автомобилей в г. Нукусе, проведенных в феврале нынешнего года, старший инспектор УБДД МВД Республики Каракалпакстан майор Б. Бекмуратов выявил факт восстановления работником мастерской, жителем города Нукуса Ш. Р., вмятины на автомобиле «Нексия», появившейся вследствие удара из-за небрежного вождения, и оформил его в соответствующем порядке.

Гражданин Ш. Р. решил уладить дело с помощью взятки. 11 февраля при передаче майору Б. Бекмуратову 200 тысяч сумов он был задержан сотрудниками отдела по Республике Каракалпакстан Управления собственной безопасности Министерства внутренних дел Республики Узбекистан и органов прокуратуры.

По данному факту возбуждено уголовное дело по части 1 статьи 211 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. Ведутся следственные действия.

## Не дайте себя обмануть

В последнее время участились случаи незаконного снятия денежных средств мошенниками с банковских пластиковых карт граждан.

15 декабря 2019 года с группы Jesco aksiyasi мессенджера Telegram на сотовый телефон гражданина М. Б., проживающего в Берунийском районе Республики Каракалпакстан, пришло сообщение: «Вы выиграли 75 тысяч сумов, эти деньги мы переведем на ваш телефон». Мошенники, получив номера телефона М. Б. и его пластиковой карты, сняли со счета 868 тысяч сумов.

По данному обстоятельству возбуждено уголовное дело.

Настоятельно просим граждан не верить в различные интернет-акции, не называть серийный номер и код банковской пластиковой карты.

## Дорожно-транспортное происшествие

Плохие метеоусловия становятся причиной дорожно-транспортных происшествий. На днях в Берунийском районе Республики Каракалпакстан автомобиль марки «Матиз», за рулем которого находился гражданин А. Б., 1984 года рождения, столкнулся с грузовой машиной MAN. Это случилось на 645-м километре автомагистрали А-380 Гузор–Бухоро–Нукус–Бейнеу во время передвижения по встречной полосе из-за скользкой трассы.

В результате грузовик завалился на обочину дороги, водитель получил телесные повреждения. Четыре человека, находившиеся в легковом автомобиле, погибли на месте, один – поступил в больницу с травмами.

Следственная группа при Берунийском РОВД возбудила по данному факту уголовное дело.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА АЁЛЛАР

**Биз ҳар сонияда ўзгаришлар, янгиланишлар даврида яшаяпмиз. Бу эврилишлар саҳнида ўзбек аёлининг ҳар қачонгидан-да шаҳду шижоатли қиёфасини кўраётганимизни тан олишимиз керак. Дарҳақиқат, аёл оилада меҳрибон она, куюнчак опаю суйгунчак сингил, яна севимли ёр, оқила рафиқа, ораста бека. Жамиятда эзгу мақсад, эзгу ўй ва эзгу амал билан юрт тараққиёти, эл фаровонлигига ҳисса қўшаётган шифокор, ўқитувчи, журналист, тадбиркор, фермер, ҳисобчи, ички ишлар органи ходими ё бўлмаса ҳарбий ёки иқтисодчи. Президентимиз таъкидлаганидек, «...бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак».**

Хўш, юртимиз тараққиётида аёлнинг янги қиёфаси қандай, у жамиятнинг кузатувчиси эмас, иштирокчисига айлана оляптими? Бу саволнинг жавобини айни дамларда ижтимоий маконда аёлларнинг қачонлардир хаёл бўлиб, бугун ҳаётига кўчаётган ёрқин лаҳзаларга бой фаолиятида кўриш мумкин.

Аёл бугун шунчаки фермер хўжалигида ишчи эмас, балки шу фермер хўжалигининг раҳбари. У аввалгидек боғидан сархил мевани узиб, режани тўлдирганига хурсанд бўлиш билан кифояланмайди. Балки, шу меваларни музлатгичда сақлаб, қишда ҳам эндигина дарахтдан узилгандек эл-юрт дастурхонига тортиқ қилишни, ҳатто меваларни қуритиб, сифатли ва бежирим қадоқда ёки шарбат кўринишида хорижга ҳам юборишни ўйлайди. У эндиликда оддий боғбон аёлдан етук иқтисодчи сифатида тобланиб бораётган инсон.





Бугунги аёл ярим кун дарсини ўтиб қайтадиган ўқитувчи эмас, у оддийгина қишлоқ шароитида халқаро миқёсдаги илм-фан, техника беллашувига билим уфқи кенг шогирдини йўллаётган фидойи устоз, мураббий. Аёл Қонунчилик палатасида ўттиз тўрт миллион фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилувчи муҳим қонун лойиҳалари устида бош қотираётган депутат. Бир мурожаат ортидан туманнинг нариги бошидаги муаммони ҳал қилишга ошиқадиган ҳоким ё ҳоким ўринбосари.

**Аёл Қонунчилик палатасида ўттиз тўрт миллион фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилувчи муҳим қонун лойиҳалари устида бош қотираётган депутат.**

У қўшниси, яқин инсони ёки умуман нотаниш ватандошининг тинчлиги, осойишталиги ва қонуний манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида кунни тунга улаб фидойилик билан меҳнат қилаётган ички ишлар органи ходими. Шу тизимда касбий кўникмалари, тажриба ва билимларини ишга солиб Ватанга садоқат билан хизмат қилаётган соҳанинг жонкуяр раҳбари. Ҳар бир маҳаллага осойишта тонглар саодатини тилаб уйғонадиган инсон.

Қувонарлиси шундаки, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим бўлган масъулиятли лавозимларда ва хизматларда зиммасига юклатилган вазифани шараф билан адо этаётган хотин-қизлар сони тобора ортиб бормоқда. Керак бўлганда, улар ўзига хос фикр-мулоҳазаси, асосли таклифлари билан юрт тараққиёти, келажаги ҳақида қайғуриб, муҳим масалаларда ўз қарашларини очиқ-ошкора айта оляпти. Бунинг самараси ўлароқ, уларга ишонч ва муносабат ўзгармоқда. Бу мамлакатимизда барча соҳаларда туб ислоҳотлар тобора кенг қулоч ёйиб, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган халқни рози қилишдек улуғ мақсадга қаратилган эзгу ишларнинг муҳим бир йўналиши сифатида жамият ҳаётида хотин-қизлар фаоллигини оширишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганининг шарофатидир.

Кейинги йилларда бу борада юртимизда муҳим қадамлар ташланганлигини эътироф этиш жоиз. Хусусан, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хотин-қизлар тадбиркорлиги маркази, Ҳукумат ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази каби янги тузилмалар ташкил топди. Ушбу янги ташкил этилган барча институционал механизмлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда БМТ Конвенциясига мувофиқ, аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглиги ва хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам беришнинг ягона яхлит механизмига айланиши масаланинг муҳим томони. Халқаро меъёр ва стандартларга мос келувчи бу нормаларнинг бир қисми БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича идоралари тавсияларига асосланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Агар тарихга юзлансак, Тўмариснинг қаҳрамонлиги, жасорати, мардлиги, оқилалиги миллатимиз ғururига айланиб, ватанпарварлик, жасорат ва садоқат тимсолидир. Бугун давлат ва жамоат ишларида фаолият олиб бораётган аёллар кўҳна тарих саҳифаларида Тўмарисдек ёрқин из қолдирган аждодларимиздан андоза олса, не ажаб. Қолаверса, айни дамларда тиббиёт соҳасида 82 фоиз, таълим ва санъат соҳасида 72 фоиз, қишлоқ хўжалигида 45 фоиздан ортиқ, саноат соҳасида эса 35 фоиздан зиёд хотин-қизлар меҳнат қилаётгани Ўзбекистон аёллари тиббиёт ва таълим йўналиши гендер тенглигига эришгани ва бошқа ижтимоий соҳаларда фаолият кўлами тобора кенгайиб бораётганини асослайди.

Маълумки, Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Васийлик кенгаши раисининг ўринбосари Саида Мирзиёева Дубай амирлиги шайхи Манал бинт Муҳаммад бин Рашид ал-Мактум зоти олиялари таклифига биноан 17–18 февраль кунлари Дубайда бўлиб ўтган Жаҳон аёллар форумида иштирок этди.

Форумнинг дастлабки кунида сўзга чиққан Саида Мирзиёева ўз нутқида сўнги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, улар учун эркаклар билан тенг шароитлар яратиб беришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Айниқса, хотин-қизлар учун муносиб иш, турмуш шароитларини яратиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, аёлларнинг социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, хотин-қизларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш мақсадида эркаклар ва аёлларнинг ҳуқуқлари ҳамда имкониятлари тенглигини қонун даражасида кафолатлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бераётганини билдирди.

Мавзу юзасидан анжуман мезбонларини қизиқтирган саволларга жавоб берар экан, жумладан, шундай деди:

– Бизнинг навбатдаги муҳим мақсадимиз – ижро этувчи ҳокимият органларида аёллар сонини кўпайтириш. Бу аёл вазирлар, аёл ҳокимлар, компаниялар директорлар кенгашининг аёл аъзолари сонини ошириш дегани.

Ва мен шуни айтишим керакки, бу йўналишда ҳам муваффақиятга эришдик. Масалан, Ички ишлар вазирлиги тизимида 16 нафар аёл раҳбар лавозимларга тайинланди.

Шу ўринда ички ишлар бўлимларида хотин-қизлар билан яқиндан ишлаш учун аёл инспектор, психолог фаолияти йўлга қўйилганлигини таъкидлаш жоиз. Аксарият ўзбек аёллари ўз муаммоси, юрагини қийнаётган дардни эркак киши билан бўлишмаслигини инобатга олсак, ҳаётий тажриба ва ҳуқуқий билимларга эга аёлнинг иккинчи бир аёлга кўмакчи сифатида фаолият юритаётгани оз фурсатларда ўзининг ҳаётий зарурат эканлигини намоён этди. Айни чоғда бу орқали кўплаб кўнгилсизликларнинг олди олиниб, муаммоли вазиятларга ечим топилаётгани айни муддаодир. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, «қаерда аёл бўлса, ўша ерда коррупция камроқ, ўша ерда халқ билан мулоқот кўпроқ». Бу сўзлар замирида жамият ҳаётида хотин-қизларга берилган юксак баҳо ва уларни ижтимоий-сиёсий фаолликка ундовчи кайфият бор.

Бугун давлат бошқарувида аёлларнинг фаоллиги жамият томонидан яхши қабул қилинаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Мамлакат тарихида илк бор Сенат раислигига аёл киши – Танзила Норбоева сайланди. Сирдарёнинг Боёвут туманига Дилфуза Ўралова ҳоким этиб тайинланди. Юқорида таъкидлаб ўтилган 16 нафар раҳбар аёллар орасида тергов ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари бошлиқлари бор. Илгари ушбу лавозимларни эркаклар эгаллаб тургани ва янги раҳбарларни тайинлашда биринчи навбатда касбий фазилатлар, тажриба ва билимлари ҳисобга олингани ички ишлар тизимида ҳам янги замон аёлининг чизгилари тобора қуюқлашиб, соҳа ривожига ҳисса қўшаётганини кўриш мумкин.

Зотан, Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муротованинг «Бизга қандай иш-вазифа берилишидан қатъи назар, мамлакатимизни, иқтисодиётимизни мустаҳкам қилишда, юртимизнинг тараққий топишида, халқимизнинг фаровон яшашида бор билимимиз, бор кучимизни аямай, жуда катта масъулият билан меҳнат қиламиз» деган сўзлари бугун янгиланаётган Ўзбекистон тараққиётига ўзининг ташаббуслари ва фидойилик тўла қалблари билан ёниб кириб келаётган ҳар бир ўзбек аёлининг эзгу мақсади, муддаоси эканлигига ишонамиз.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**журналист.**



**БИЛАСИЗМИ?**

*Бугунги кунда юртимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 500 га яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Олий Мажлис Сенати аъзоларининг салкам 25 фоизи, Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.*

* * *

*Мамлакатимиздаги турли корхоналарда ишлаётган раҳбар аёллар сони ҳам ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2017 йили 44,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 45,3 фоизга етган.*

## ОДАМ САВДОСИ – ОҒИР ЖИНОЯТ

# Ёлғон ваъдаларга учманг!

**Бугунги кунга келиб асримизнинг жиддий муаммосига айланган одам савдосига қарши кураш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама муносабатларни талаб этмоқда. Ҳозирга қадар жиноятнинг ушбу турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида БМТнинг бир қатор халқаро тавсиявий ва мажбурий характерга эга ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар доирасида дунё миқёсида тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги «Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига асосан, вилоят ҳокими раислигида Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш ҳудудий комиссия ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида мазкур комиссия томонидан одам савдосига қарши курашиш, унинг олдини олиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, фуқароларни огоҳлантирувчи кўргазмали воситалар Фарғона шаҳрида, туман марказларида кўринадиган жойларга ўрнатилмоқда. Хорижда меҳнат қилиш истагида бўлганлар билан суҳбатлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Шунга қарамай, кўплаб юртдошларимиз одам савдоси жабрдийдаларига айланиб қолмоқда. Уларнинг аксарияти ўз ҳуқуқларини англаб етмаган, адашган, алданган кимсалардир.

Жорий йилнинг 18 январь куни вилоят ИИБ Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси Одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўлими ҳамда вилоят прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти билан ҳамкорликда тезкор тадбир ўтказилди. Тадбир давомида фуқаро М. Бувайда туманида яшовчи Ю. ва Фарғона шаҳрида яшовчи Г. исмли аёлларни даромадли иш топиб беришни ваъда қилиб, аслида шаҳвоний мақсадда фойдаланиш учун навбатдаги ўлжа сифатида Андижон вилоятининг «Дўстлик» чегара пости орқали олиб чиқиб кетаётган вақтда қўлга олинди.

Ҳозирда ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда юртдошларимизнинг хорижда қулликка тушиб қолишига уларнинг соддалиги, ишонувчанлиги, тез вақт ичида моддий муаммоларни ҳал этиш илинжи, енгил иш топиш орзуси, ҳуқуқий билимга эга бўлмаслик сабаб бўлиб қолмоқда. Шу боис фуқароларимиздан ёлғон ваъдаларга ишонмасликларини, доим огоҳ ва ҳушёр бўлишларини сўраган бўлардик. Зеро, ана шундагина одам савдоси билан шуғулланувчи манфур кимсалар тузоғига тушиб қолмайсиз.

**Гулмира ҚЎЗИЕВА,**
**майор.**
*Фарғона вилояти.*

## ТЕСТ СИНОВЛАРИ

# ИМТИЁЗЛИ ТАВСИЯНОМАЛАР УЧУН

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ходимлари билан ҳамкорликда ИИВ Қоровул қўшинлари тасарруфидаги барча ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматчиларга олий ўқув юртларига ўқишга киришида қўшимча имтиёз берувчи тавсияномаларни олиш учун тест синовлари бўлиб ўтди. Ошкоралик, шаффофликни таъминлаш мақсадида синовлар видеокузатув остида ташкил этилди.**



Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидан армия сафига чақирилган, ҳозирда Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмда ўзининг йигитлик бурчини адо этаётган оддий аскар О. Абдуҳалимов тўлқинланиб шундай дейди:

– Бугунги тест синовларида мен ҳам бошқа сафдошларим қатори, мактабда ва хизмат давомида олган билимларимни синовдан ўтказдим. Насиб қилса, аъло натижа кўрсатиб, имтиёзли тавсияномага лойиқ эканимни исботлайман. Асосий мақсадим тиббиёт йўналишидаги нуфузли олий таълим муассасаларидан бирининг талабаси бўлиш. Бунинг учун эса ўқиш ва изланишда давом этаман.



Фарғона вилояти Данғара туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Ҳ. Абдураҳимовнинг ҳам ўзига ишончи баланд.

– Ҳарбий хизмат мени ҳам жисмонан, ҳам руҳан чиниқтирди, мақсадларимни амалга ошириш учун куч ва қатъият бағишлади. Тест синовларида яхши натижалар қайд этиб, имтиёзли тавсияномани қўлга киритишимга ишончим комил. Кейинги мақсадим эса ИИВ Академиясининг курсанти бўлиш. Ўқишни тугатиб, ички ишлар органларида ишлаганимда армияда олган билим ва орттирган амалий кўникмаларим асқотиши шубҳасиз, – дейди у дадил овозда.

Маълумот ўрнида шуни қайд этишни истардикки, ИИВ Қоровул қўшинлари бўйича жами 1466 нафар муддатли ҳарбий хизматчи тест синовларида иштирок этди. Улар маънавий-маърифий ва жанговар тайёргарлик, математика, физика ҳамда мантиқий саволлар каби йўналишлар бўйича ўз билим ва кўникмаларини синаб кўришди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Сержант Илҳом ЭГАМБЕРДИЕВ**
**олган суратлар.**

# БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Шота Руставели кўчаси 57-уй 15-хонадонда яшаган, 1968 йилда туғилган **Жўраев Шуҳрат Юлдошевич** бедарак йўқолганлиги сабабли туман ИИОФМБ томонидан қидирилмоқда. У 2019 йилнинг июль ойида яшаб турган хонадонидан номаълум томонга чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Унинг белгилари:** бўйи 170–173 см., озғиндан келган, сочлари жигарранг, қошлари қалин, мўйлови бор.

**Алоҳида белгилари йўқ.**

Эгнида бўлган кийимлари тўғрисида маълумот йўқ.

**Ш. Жўраев ҳақида бирор маълумотга эга бўлган ёки уни кўрган фуқаролардан (71) 230-98-50, 230-98-40, 230-98-44 телефон рақамларига ёки яқин атрофдаги ички ишлар органига хабар беришларини сўраймиз.**

* * *



Тошкент шаҳар Сирғали тумани Гагарин кўчаси 49\2-уйда рўйхатда турувчи 1999 йилда туғилган **Абдураҳмонов Фаррух Алишерович** бедарак йўқолганлиги сабабли Бектемир тумани ИИОФМБ томонидан қидирилмоқда. У 2019 йилнинг 16 март куни яшаб турган хонадонидан номаълум томонга чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Унинг белгилари:** бўйи 155–160 см., озғиндан келган, сочлари жигарранг, кўзлари қисиқ, буғдойранг, юзи чўзиқ.

**Алоҳида белгилари:** пешонасининг юқори қисмида 2 см. узунликдаги жароҳатдан қолган чандиқ изи бор. Олд тишлари сарғайган.

Ўша куни унинг эгнида тўқ кўк рангли енгил куртка, кўк рангли жинси шим, бошида қора рангли кепка, оёғида калиш бўлган.

**Ф. Абдураҳмонов ҳақида бирор маълумотга эга бўлган ёки уни кўрган фуқаролардан (71) 295-26-64, 295-02-39, (98)125-41-51 телефон рақамларига ёки яқин атрофдаги ички ишлар органига хабар беришларини сўраймиз.**

* * *



Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 18-мавзе 49-уй 33-хонадонда рўйхатда турувчи 1979 йилда туғилган **Шелестова Полина Сергеевна** бедарак йўқолганлиги сабабли Юнусобод тумани ИИОФМБ томонидан қидирилмоқда. У 2019 йилнинг январь ойининг охирларида яшаб турган хонадонидан номаълум томонга чиқиб кетиб, қайтиб келмаган. Уни охирги марта яшаш уйига яқин жойда макулатура йиғиб юрганда кўришган.

**Унинг белгилари:** бўйи 155–160 см., озғиндан келган, сочлари жигарранг, калта, кўзлари қора, юзи узунчоқ.

**Алоҳида белгилари:** бурнининг ёнида ўртача катталикдаги холи бор.

Ўша куни унинг эгнида кулранг куртка, қора рангли шим, оёғида оқ рангли спорт пойабзали, бошида қизил шапкаси бўлган.

**П. Шелестова ҳақида бирор маълумотга эга бўлган ёки уни кўрган фуқаролардан (71) 235-00-02, 235-57-88, (98) 300-10-99 телефон рақамларига ёки яқин атрофдаги ички ишлар органига хабар беришларини сўраймиз.**

* * *



Тошкент шаҳар Бектемир тумани Ҳусайн Байқаро кўчаси 72-уй 1-хонадонда яшаган, 1989 йилда туғилган **Суюнов Маҳмуд Нўъмонович** бедарак йўқолганлиги сабабли Учтепа тумани ИИОФМБ томонидан қидирилмоқда. У 2019 йилнинг 9 август куни Учтепа тумани 11-даҳа 17-уй 48-хонадондан номаълум томонга чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Унинг белгилари:** бўйи 180–185 см., гавдали, сочлари ва қоши қора, буғдойранг.

**Алоҳида белгилари:** елкасида жароҳатдан қолган чандиқ изи бор.

Ўша куни у мавсумий кийимда бўлган.

**М. Суюнов ҳақида бирор маълумотга эга бўлган ёки уни кўрган фуқаролардан (71) 231-95-13, 272-98-39, (98) 307-49-59 телефон рақамларига ёки яқин атрофдаги ички ишлар органига хабар беришларини сўраймиз.**

К 75-ЛЕТИЮ ПОБЕДЫ

# ПРИМЕР СЛУЖЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОМУ ДОЛГУ

**Летят годы, сменяются десятилетия. Все дальше отдаляются события Второй мировой войны. Но не померкнет в памяти людской подвиг тех, кто мужественно бился с врагом на полях сражений, ратным трудом в тылу самоотверженно приближал Победу. Никто не забыт, ничто не забыто!**



Подполковник в отставке Лидия Михайловна Юдина – ветеран тылового фронта. Ее молодость опалила война.

Родилась Лидия Михайловна в 1925 году в Ташкенте. В суровые военные годы, с 1943-го по 1945-й, совсем юной, она проходила службу в военно-почтовом сортировочном пункте. Вместе с ровесницами трудилась с раннего утра до поздней ночи, распределяя по почтовым отделениям поступавшие по железной дороге письма.

В послевоенные годы обучалась в Ташкентском юридическом институте. На протяжении многих лет Лидия Михайловна плодотворно осуществляла педагогическую деятельность в Ташкентской средней специальной школе МВД.

Высокий профессионализм, чувство ответственности за порученное дело, исключительное трудолюбие, присущие Лидии Михайловне, способствовали тому, что в 1976 году ей было поручено возглавить цикл юридических дисциплин, являвшийся одним из профилирующих в школе. Вместе с коллегами она активно работала по обновлению методических материалов цикла, подготовке учебных пособий.

В 1979 году Л. Юдину назначают заместителем начальника учебного отдела образовательного учреждения. В этой должности она проработала до самой пенсии.

Опытный педагог, прекрасный специалист-юрист Л. Юдина не уставала передавать свои знания и опыт молодому поколению. Много сил и души вложила она в дело обучения и воспитания курсантов, эффективной организации учебной, методической работы преподавательского состава.

За заслуги в деле подготовки кадров для органов внутренних дел, активную общественную деятельность по повышению правовой культуры граждан Лидия Михайловна не раз поощрялась руководством МВД, ей присвоено почетное звание заслуженного юриста республики. В годы независимости ветеран была награждена медалью «Жасорат».

– Овладевать глубокими знаниями, востребованной профессией, самоотверженно служить Родине – главная задача юношей и девушек, – подчеркивает подполковник в отставке Л. Юдина. – Мы же, ветераны, будем продолжать содействовать утверждению в обществе идей сплоченности и единства, преемственности поколений.

Совсем скоро наш почтенный ветеран будет отмечать юбилей. Пользуясь возможностью, хотим сердечно поздравить Лидию Михайловну со славной датой, пожелать ей крепкого здоровья, благополучия и выразить глубокую признательность за пример самоотверженного служения профессиональному долгу, благородному делу просвещения и воспитания молодого поколения.

**Наталья КОНДРАТЬЕВА, подполковник.**

# Мы помним их...

**Саша Баженов родился в 1916 году в Самарской области. Когда в 1932-м началась коллективизация, его отец, зажиточный крестьянин, отказался вступать в колхоз. Тогда местные власти пригрозили сослать всю семью в Сибирь**

…Мама ночью разбудила 16-летнего Сашу, дала ему узелок с едой, немного денег и сказала: «Поезжай, сынок, в Ташкент – он город хлебный. Здесь тебе житья не дадут».

В Ташкенте Сашу приютила узбекская семья. Он устроился на работу в слесарную мастерскую, в депо «Ташкент-сортировочный», стал учиться в вечерней школе. В 1937 году Александра Баженова призвали на службу в армию. Служил он на пограничной заставе, в Таджикистане.

В 1941 году А. Баженов принимал участие в боях за Крымский полуостров, был тяжело ранен. Долго лежал в госпиталях и демобилизовался как инвалид II группы.

Молодой человек вернулся в Ташкент и устроился в фельдъегерскую службу курьером. В 1945 году был принят в органы внутренних дел. Александр Баженов работал оперуполномоченным отдела по борьбе с бандитизмом ОВД города Ташкента. В 1950 году капитана А. Баженова перевели в Андижанскую область и назначили начальником Кургантепинского РОВД. До выхода на заслуженный отдых Баженов служил начальником отдела дорожной безопасности, заместителем начальника отдела по борьбе с экономическими преступлениями.

На пенсии подполковник в отставке Александр Александрович Баженов вел большую общественную работу, занимал активную гражданскую позицию. По его инициативе был создан районный совет ветеранов войны и органов внутренних дел.

С Александром Александровичем Баженовым я познакомился лет двадцать пять назад, во время встречи с ветеранами Второй мировой войны и органов внутренних дел. Александр Александрович, когда ему предоставили слово, поднялся на сцену и стал рассказывать о себе, тяжелых годах войны, службе в органах внутренних дел. Я подошел к нему и предложил написать статью. Часто приезжал к нему впоследствии, наши беседы длились часами.

– Не все в жизни складывалось гладко, – вспоминал Александр Александрович. – У меня был сложный характер – говорил правду в лицо, а это многим не нравилось. Как-то вышел конфликт с



начальником. Он позвонил министру внутренних дел и доложил, что майор Баженов не выполняет приказов руководства. На следующий день вызвали в министерство.

– Что, Баженов, зазнался, не признаешь начальство? – спросил министр, приглашая сесть. Он знал меня лично по совместной службе в городском ОВД.

– Никак нет, – ответил я. – Всегда готов выполнять приказы начальства, когда они не противоречат букве закона.

– Понимаю… Ладно, иди и постарайся найти общий язык с руководством УВД. Я тебе верю, Баженов…

Когда вышел на заслуженный отдых, супруга, с которой прожили всю жизнь, стала требовать, чтобы мы переехали в Севастополь, откуда она была родом. Я категорически отказался уезжать из Узбекистана, ставшего для меня любимой Родиной. Она уехала с сыном, я остался один. Справляюсь, сам готовлю, хожу на базар. Много ли мне надо…

Он ушел из жизни, не дожив до своего 95-летия всего 3 месяца, – вышел из подъезда, присел на скамейку, прихватило сердце…

Хоронили подполковника в отставке Александра Александровича Баженова с воинскими почестями. Военный оркестр играл траурный марш. В последний путь Баженова провожал весь личный состав УВД Андижанской области.

Александр Александрович прошел трудный, но красивый, достойный уважения путь. Он остался в нашей памяти человеком с большой буквы.

Редеют ряды ветеранов Второй мировой войны и органов внутренних дел: все меньше остается тех, кто добывал Победу с оружием в руках на полях сражений, тех, кто приближал ее светлый и долгожданный день самоотверженным трудом в тылу. Тех, кто после войны сменил солдатскую гимнастерку на форму сотрудников органов внутренних дел, стоял в первых рядах в борьбе с преступностью, рискуя здоровьем и жизнью за мирное небо над головой и безопасность граждан. Мы помним их и бесконечно им благодарны…

**Соб. корр.**
**Фото из архива УВД Андижанской области.**

ЭКСПЕРТНО-КРИМИНАЛИСТИЧЕСКАЯ СЛУЖБА

# РАБОТА НЕ ТЕРПИТ ОШИБОК

**Случай этот произошел осенью прошлого года. В одном из домов Туракургана, что в Наманганской области, была зафиксирована кража. Владелец дома, обнаружив, что у него побывали «незваные гости», написал заявление в местное подразделение внутренних дел. На основании заявления следователь следственного отделения при Туракурганском РОВД возбудил дело**



За раскрытие преступления взялся и специалист экспертно-криминалистической группы. Он поставил перед собой задачу – найти ответы на вопросы: пригодны ли для идентификации личности оставленные на месте происшествия отпечатки пальцев, перенесенные на скотч? Если да, то кто их оставил? Для идентификации было необходимо сравнить их с имеющимися в базе данных ЭКО УВД. Оказалось, что одни «пальчики» принадлежали хозяину дома, другие – его соседу. Довершили дело следователи.

В своей работе эксперт-криминалист может столкнуться с различными ситуациями. Улики, фигурируемые в деле, должны пройти проверку и быть «железно» обоснованными, так как могут сыграть важную роль в раскрытии преступления. Криминалистика не терпит ошибок. Назвать человека преступником или же оправдать его можно, лишь основываясь на фактах.

Герой моего повествования – майор Аъзам Бабаев является старшим экспертом экспертно-криминалистической группы Туракурганского РОВД Наманганской области. Вышеизложенный случай – один из многих в его служебной деятельности. Он имеет допуск к проведению экспертиз по трасологии, баллистике, технико-криминалистической экспертизы документов, к базе АДИС «Сонда».

Вот еще один случай из служебной практики Аъзама Бабаева. В прошлом году на 66-м километре автомобильной дороги Наманган-Пунгон столкнулись две машины – «KIA BONGO 3» и «ИЖ-2715». В результате пострадали два пешехода – женщина и ее шестилетний сын. Перед специалистом экспертно-криминалистической службы была поставлена задача: установить наличие вблизи места происшествия фрагментов автомобильного «железа». Действительно ли эти детали отлетели от машин вследствие столкновения? В ходе исследования проверялись форма, размеры найденных фрагментов, то, к каким автомобилям они относятся, их сопоставляли с теми местами в авто, где должны были находиться аналогичные детали. Результаты трасологической экспертизы доказали, что найденные детали принадлежали автомобилю, по вине которого произошло ДТП.

В деятельности экспертов-криминалистов важную роль играет техническая оснащенность. К сожалению, в Туракурганском РОВД нет возможности проводить все виды экспертиз, поэтому приходится прибегать к помощи коллег из экспертно-криминологического подразделения УВД Наманганской области.

В ходе предварительного следствия по одному из совершенных преступлений на месте происшествия была обнаружена стодолларовая купюра. Нашему эксперту было дано задание установить ее подлинность. В ходе исследования банкноты были задействованы все необходимые средства проведения экспертизы, и в результате была доказана подлинность купюры.

В 2019 году эксперт-криминалист майор А. Бабаев вместе с опергруппой 235 раз выезжал на места происшествия, провел 247 экспертиз и исследований. В результате удалось раскрыть немало преступлений по горячим следам.

Многое в профессии эксперта зависит от профессионализма, внимательности и качественной работы. Ошибок данная работа не терпит.

**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент**
**«На посту».**
*Наманганская область.*

БУДНИ ППС

# На страже спокойствия

**Выезжая на маршрут патрулирования, сотрудники ППС никогда не знают, что их ждет. Их путь пролегает там, где неспокойно, где, согласно анализу криминогенной обстановки, участились случаи грабежей, разбойных нападений, краж и прочих криминальных проявлений, где собираются асоциальные элементы, мешающие мирным гражданам спокойно жить, трудиться, отдыхать после трудового дня**

Сотрудники бригады ППС УППСиООП ГУВД г. Ташкента в целях обеспечения общественного порядка и пресечения противоправных действий регулярно проводят профилактические мероприятия.

Так, 14 февраля примерно в 16.20 часов на блокпосту «Минерал сувлар», в Алмазарском районе, при въезде в город для проверки документов был остановлен автомобиль «Ласетти». В ходе проверки служебная собака учуяла у водителя, 40-летнего Шахоба Я. (имена изменены), наркотические средства. Из кармана куртки мужчины в присутствии понятых были изъяты 11 пакетов с неизвестным веществом черного цвета и специфическим запахом. В отношении Шахоба Я. были оформлены соответствующие документы, переданные для принятия законных мер в УКД ОВД Алмазарского района.

Аналогичная ситуация сложилась в Учтепинском районе. Примерно 00.40 часов на блокпосту «Назарбек» в ходе совместных профилактических мероприятий сотрудниками ДПС, ППС и кинологической службы для проверки документов был остановлен автомобиль марки «Спарк». Поведение водителя – 24-летнего Акбара И. вызвало обоснованные подозрения. Служебная собака дала знать, что в салоне автомобиля есть наркотики. В присутствии понятых были обнаружены и изъяты наркотическое средство марихуана, завернутая в 500-сумовую купюру, и нож. Для принятия законных мер стражи правопорядка доставили мужчину в УКД ОВД Учтепинского района.



В том же районе сотрудники ППС во время обхода территории заметили мужчину, который при виде стражей правопорядка поспешил скрыться. Мужчину задержали, попросили предъявить документы. В результате из кармана верхней одежды 32-летнего Асрора Г. были изъяты две таблетки сильнодействующего психотропного препарата – «Регапена». В отношении него сотрудники ГУВД оформили соответствующие документы и передали для принятия законных мер в УКД ОВД Учтепинского района.

Поздней ночью сотрудники патрульно-постовой службы патрулировали жилой массив в Яшнабадском районе. Проезжая по улицам махаллей, они заметили девочку-подростка, мелькнувшую между припаркованными автомобилями. Стражам правопорядка показалось подозрительным, что она, заметив проблесковые маячки патрульной машины, стала прятаться. Задержав несовершеннолетнюю, сотрудники спросили, что она делает на улице поздней ночью. Девочка сказала, что ее зовут Хумора. В ходе проверки было установлено, что Хумора на самом деле – 15-летняя Амира С., которая является уроженкой Ферганской области и 6 февраля Кувинским РОВД была объявлена в розыск как без вести пропавшая. До выяснения обстоятельств ее отвезли в ОВД № 6 УКД ОВД Яшнабадского района столицы.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

Postda
На посту

ТАДБИР

# ОИЛА МУАММОСИ
## БАРЧАНИ БЕЗОВТА ҚИЛИШИ КЕРАК



Хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, тиббий маданияти ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, айниқса, оилаларни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий асосларини кафолатлаш бугун ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, оналар чеҳрасига қувонч, мамнунлик ҳамда шодумонлик улашиш, ҳар бир оиланинг тинч, фаровон ва барқарор турмуш кечиришини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир.





Яқинда Зангиота туманидаги 40-мактабда бўлиб ўтган тадбир йўналиши ҳам айнан шунга қаратилди. Унда ИИВ ҲПББ хотин-қизлар масалалари бўйича бўлими ва Тошкент вилояти ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича бўлими шунингдек, хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар, имом-хатиблар, маҳалла фаоллари, ажрим ёқасига келиб қолган айрим нотинч оилалар, жазо муддатини ўтаб чиққан хотин-қизлар иштирок этди.

Йиғилишда хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, нотинч оилалар билан ишлаш, мавжуд муаммоларнинг илдизини чуқур ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш муҳимлигига алоҳида урғу берилди. Шунингдек, аёллар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ҳамда маданий ҳаётдаги иштирокини янада фаоллаштириш, хотин-қизлар жиноятчилиги, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш борасидаги ҳаракатларнинг самарасини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шундан сўнг иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар ёки кўнглини ўртаётган муаммолар ҳақида масъул ходимларга мурожаат қилишди. Айрим нотинч оилаларнинг муаммолари ўрганилди. Оилаларни мустаҳкамлаш бўйича улар билан тушунтириш ишлари ва суҳбатлар ўтказилди. Муҳокамалар чоғида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир сўнгида психолог Шаҳноза Самесова йиғилганлар билан психологик тренинг ўтказди. Тренер томонидан аёлларнинг ўзига ишончини ошириш борасида тавсиялар берилди, тушкунлик ҳолатига тушиб қолмасликка қаратилган амалий машғулотлар ўтказилиб, иштирокчилар ўзларида мавжуд камчиликларни тузатишни ўрганиб, оилани янада мустаҳкамлаш борасида янги билимларни ўзлаштиришди.

Тренинг якунида мутахассислар томонидан берилган маълумотлар иштирокчи аёллар томонидан ижобий баҳоланган ҳолда турмушда бўладиган турли нохуш вазиятларни мустақил ҳал этиш, фарзанд тарбияси ҳамда ўзаро муносабатларда мустақил фикрга эга бўлганликларини миннатдорлик билан билдиришди.

**Ўз мухбиримиз.**

МУЛОҲАЗА

# КОСА ТАГИДАГИ НИМКОСА





Метро бекатида поезд кутиб тургандим. Бекорчиликдан улкан мониторда намойиш этилаётган реклама роликини томоша қила бошладим. Қарасам, алламбало кийинган бир тўда йигит-қизлар тинимсиз ирғишлаяпти. Калта-култа кийим кийган бир қиз эса жон-жаҳди билан улар томон югуряпти. Бир пайт тўдага қўшилиб, кола идишини қўлига олиб, у ҳам ирғишлашга тушди. Қиз ичимликнинг кайфидан шунақанги сакрадики...

Кейин билсам, бу кола ичимлигининг рекламаси экан. Уни томоша қилиб, айрим ёшлар ҳаётнинг бутун завқу шавқи кола ёки шунга ўхшаш бирор чанқовбосди ичимлик ичиб, маза қилишда деб ишониб қолиши ҳеч гап эмас.

Эртаси куни кўрган реклама роликим бундан ҳам ошиб тушди. Кадрда тасвирга туширилган ҳаёт аввалига бир маромда давом этаётган эди. Бир пайт ҳамма ўз ишини ташлаб, дўкон томон югуриб қолди, денг. Дўконга кираверишда талотўп одам. Ўша топда биров оёқ остида қолса, босиб ўтишдан ҳам тойишмасди. Қарасам, ҳалиги дўконда кийим-кечаклар катта миқдорда чегирма билан сотилаётган экан. Аравани тўлдириб латта-путта ортиб кетаётган одамларни кўриб, «Нима бало, булар умрида кийим кўрмаганми ёки шир яланғоч қолганми?» деган хаёлга борасиз. Ваҳоланки, ҳаммаси туппа-тузук кийинган, кўпчилигининг ҳатто тагида автомашинаси ҳам бор. Фақат кўзи оч. Улар учун ҳаётнинг маъноси фақат чиройли кийинишдан иборатга ўхшарди.

Реклама роликининг кетидан қайсидир тилдаги қўшиқ клипи уланиб кетди. Қўшиқнинг сўзларига тушунмадим. Лекин шўх мусиқа андай-мундай кишининг қонини қиздириб, эҳтиросларини жўшдириб юборарди. Кабриолетда қўшиқ куйлаб кетаётган хонанда ҳам, унинг ҳамроҳлари ҳам мусиқа оҳангига мос равишда қийшанглаб рақсга тушишарди. Улар атрофдагиларни ҳам ўзларига тақлид қилишга ундарди гўё. Аввалига йўл ёқасида турган жамалаксоч қизалоқ ҳам, соддагина болакай ҳам ҳалигиларга анграйиб қараб туришди. Кейин уларга ўхшаб қийшанглаб рақсга туша бошлашди...

Кўпчилик билса керак, кинода, телевидениеда 25-кадр деган тушунча бор. Томошабин бу кадрни илғамай қолиши мумкин, лекин ундаги тасвир кишининг онгу шуурига, ҳатто онг остига таъсир қилади. Шунга ўхшаб, юқоридаги ва бошқа кўпгина реклама роликларию қўшиқ клипларида коса остида нимкоса борга ўхшайди. Уларнинг муаллифлари умрнинг мазмуни фақат маза қилиб еб-ичишдан, чиройли кийинишдан, табиий майлларга эрк беришдан иборат демоқчими? Шунга ўхшайди. Унақада инсоннинг ҳайвондан қандай фарқи қолади? Шу тарзда яшаш одамни худбинга, фақат истеъмолчига айлантириб қўймайдими?

Улуғ бобокалонларимиздан бири «Мен ейиш учун яшамайман, балки яшаш учун ейман», деган эди. Агар яшашнинг маъно-мазмуни фақат мазали таомлар ейишу кимхоб тўнлар кийишдан иборат бўлганида, Абдулла Қодирий асарларининг қаҳрамонлари Юсуфбек ҳожи, Отабек, Анвар эл ғамида қон ютмасди. Ахир, уларга нима етишмасди? Егани олдида, емагани ортида эди-ку. Балки, баъзилар уларни ҳаётдаги одамлар эмас, бадиий образлар дейишар. Тўғри, лекин улуғ адибимиз бизларни ана шу қаҳрамонлардан ибрат олишга чақирмаганми?

Ҳаётда ҳам бизлар бу борада ибрат олсак арзийдиган аждодларимиз жуда кўп бўлган. Алишер Навоий бобомиз ўз замонасининг энг бой-бадавлат одамларидан бири эди. Лекин у ўзининг молу давлатини илму фан ривожига, маданият тараққиётига, мамлакат ободончилигига сарфлади-ку. Ўзи мамлакатда адолатни қарор топтириш, халқ турмушини енгиллаштириш йўлида қанчадан-қанча машаққат чекди. Ваҳоланки, фақат ўз роҳатини ўйлаб, давру даврон суриб яшаса ҳам бўларди-ку.

Ҳар қадамда реклама эълонлари, нафақат кўча-кўйда, балки ойнаи жаҳонда ҳар куни намойиш этиладиган реклама роликларига кўзим тушганида мени бир ўй қийнайди. Аксар ёшларимизни бу рекламалар «Қандингни ур, даврингни сур» қабилида ўйлайдиган молпараст, худбин кимсаларга айлантириб қўймасмикан? Пайти келиб элпарвар, юртпарвар аждодларимиз уларнинг назарида маза қилиб яшашни билмаган ношуд одамлардек кўринмасмикан? Бундан худонинг ўзи асрасин. Лекин «Худо ҳам ўзини асраганни асрайди» деган гап бор. Шунинг учун клипу рекламаларнинг ҳам мазмун-мундарижасига эътиборли бўлишимиз керакка ўхшайди. Токи улар эгоцентризмнинг, «оммавий маданият»нинг тарғиботига айланиб қолмасин.

**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

МУТАХАССИС ФИКРИ

# ХИЗМАТ ИТЛАРИ ҚАНДАЙ ТАНЛАНАДИ?

**Ит ўзига хос ҳид билиш, эшитиш ва кўриш қобилиятига эга, ҳар қандай шароитда чаққон ҳаракатлана олади. Энг муҳими, эгасига ўта вафодор. Шу сабаб ҳам бу жонивор минг йиллар давомида одамлар билан бирга яшаб, яқин дўст ва ёрдамчига айланган.**

Бугунги кунда мамлакатимиз ички ишлар органлари кинология хизмати ходимлари ўзларига бириктирилган хизмат итлари ёрдамида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилганларини фош этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Хизмат итлари из қидирув, жиноятчиларни ушлаш ва зарарсизлантириш, ҳимоя-қоровул, портловчи моддалар ҳамда гиёҳвандлик воситаларини қидириб топиш каби йўналишлар бўйича тайёрланиб, улар махсус кўникмаларга эга.



Кинология хизматида асосан ўрганиш қобилияти юқори, ўз эгасига вафодор ва бўйсунувчан Шарқий Европа, Бельгия ва немис овчаркалари, лабрадор ҳамда спаниел зотига мансуб итлардан фойдаланилмоқда.

Хизматда фойдаланиш учун танланаётган итлар, аввало, чиройли экстерьер (ташқи кўриниш) сифатлар ва юқори ҳид билиш қобилиятига эга бўлиши, ўйинқароқ, қидирувчан, ҳар хил шароитга мослашувчан, энг асосийси, соғлом бўлиши лозим. Ҳозирги вақтда ана шундай итлар юридик ва жисмоний шахслардан сотиб олиш ҳамда питомникларда наслдор итларни кўпайтириш орқали тайёрланмоқда.

Ички ишлар вазирлиги Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси Махсус тайёргарлик ўқув маркази хизмат итлари питомниги ана шундай наслдор итларни кўпайтириш ва зотдор кучукларни етиштириш ишлари амалга ошириладиган масканлардан биридир. Бу ерда наслдор итлар танлаб олиниб, кўпайтирилади. Кучуклар 6 ойлик бўлганидан сўнг марказда ташкил этиладиган ўқув йиғини тингловчиларига бириктирилади ва уларга бошланғич кўникмалар ўргатилади.

Сўнгги беш йил давомида марказда зотдор Шарқий Европа ва немис овчаркалари, лабрадор зотига мансуб 17 бош наслдор ит урчитилиб, ушбу итлардан 84 бош кучук туғдириб олинди.

Марказ хизмат итлари питомниги мутахассис ходимлари хизмат итларини кўпайтириш ишлари билан бирга, чет эллик ҳамкасблари фаолиятини ўрганиш ва соҳага янгиликлар киритиш мақсадида доимий изланишлар олиб бормоқда. Шундай изланишлар натижаси ўлароқ, бир неча методик қўлланмалар тайёрланди. Мазкур методик қўлланмалар орқали хизматда фойдаланиш учун танланаётган ит қандай сифатларга эга бўлиши, наслдор эркак ва урғочи итни танлаш ва саралаш, кўпайтириш ҳамда кучуклар билан биринчи тарбия, уларга бошланғич кўникмаларни ўргатиш бўйича зарурий маълумотларга эга бўлиш мумкин.

**Фарҳод МАМИРОВ,**
**капитан.**

ҚОНУНЧИЛИК ТАРҒИБОТИ

# ЙЎЛЛАРНИ ҲАМ АСРАБ-АВАЙЛАШ КЕРАК



**Автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган ҳолатлардан бири янги таъмирланган йўлларда ҳеч қанча вақт ўтмасдан амалга ошириладиган қазиш ишларидир. Чунки бунинг натижасида йўл сифати бузилиб, унинг қазилган қисми сифатсиз тикланиши оқибатида ноқулайликлар юзага келади.**

Ўзбекистон Республикасининг **«Автомобиль йўллари тўғрисида»ги** қонуни талабларига кўра, автомобиль йўллари ихтиёрида бўлган юридик шахслар билан келишмасдан туриб каналлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, қувурлар, темир йўллар ҳамда бошқа коммуникацияларнинг автомобиль йўлларини кесиб ўтишига йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, ишлар олиб бориш учун автомобиль йўлларидаги ёки уларнинг айрим участкаларидаги ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш автомобиль йўллари ихтиёрида бўлган юридик шахслар томонидан берилган рухсатномалар асосида амалга оширилади. Бунда рухсатнома бериш жараёнида техник шартлар кўрсатиб ўтилади ва уларнинг ишлар олиб борувчи томонидан бажарилиши йўл қопламасининг сифатли тикланишини таъминлайди.



Бироқ йўл қурилиши соҳасида ўтказилган назорат натижалари шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолларда автомобиль йўлларида қазиш ишлари тегишли рухсатномасиз ёки рухсатнома талабларига риоя этмаган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан йўл сифатининг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда.



Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўлларда ўзбошимчалик билан сунъий нотекисликлар ўрнатилиши ҳам автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар учун ноқулайлик туғдираётгани сир эмас. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 7 июлдаги қарори билан Сунъий нотекисликлар бўйича давлат стандарти тасдиқланган. Унинг талабларига кўра, яхлит тузилишли сунъий нотекисликнинг максимал баландлиги 7 см.дан ошмаслиги ва у ерга «Сунъий йўл нотекислиги» огоҳлантирувчи йўл белгиси ўрнатилиши лозим. Шунингдек, давлат стандартида сунъий нотекислик ўрнатилиши мумкин бўлган йўллар ва ўрнатилиши тақиқланган ҳолатлар аниқ белгилаб қўйилган. Сунъий нотекисликлар ўрнатишда ушбу талаблардан ҳар қандай чекиниш автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигига путур етказиши мумкин.

Айнан юқоридаги каби муаммоларга барҳам бериш ҳамда автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш учун 2020 йил 22 январда **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 147-моддасига ўзгартиш киритилди. Унга кўра, эндиликда автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек, йўлларни сақлаш қоидаларини бузишда ифодаланган қилмишлар маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, бунинг учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса – ўн баравари миқдорида жарима солиниши мумкин.

Албатта, ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг белгиланиши ушбу соҳадаги қоида бузилишларнинг камайишига сабаб бўлади, лекин автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш кўп жиҳатдан ушбу талабларни бажаришга масъул бўлган идоралар вакиллари ҳамда фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданиятига бевосита боғлиқдир.

Автомобиль йўлларидан фойдаланувчилардан эса йўлларга, йўл ҳаракатини тартибга солувчи иншоотлар ёки техник воситаларга шикаст етказмаслик, йўлларни ифлослантирмаслик, ўзбошимчалик билан сунъий нотекисликлар ўрнатмаслик ва қазиш ишларини амалга оширмасликларини сўраб қоламиз.

**Алишер ТЎЙЧИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси бош юрисконсульти.**

БИЛАСИЗМИ?

## ДАСТЛАБКИ АСФАЛЬТ ЙЎЛЛАР



**Йўлларга асфальт тўшалиши илк маротаба Европада – Францияда бошланган. 1832 йили Парижнинг пиёдалар йўлаклари битумли аралашма билан қопланган. Кейинроқ фойтунлар юрадиган кўчалар ҳам асфальтланган. Бундай йўлларда фойтунлар тош йўлдагига қараганда анчагина шовқинсиз ва равон юришини кўрган одамлар бошқа шаҳарларда ҳам асфальтлаш ишларини бошлаб юборишган. Бу амалиёт дастлаб Лионда, ундан кейин Лондон, Вена ва Филадельфияда амалга оширилган.**

| | | |
|---|---|---|
| 51 | Миср | 92 370 |
| 52 | Қозоғистон | 91 563 |
| 53 | Замбия | 91 440 |
| 54 | Ўзбекистон | 86 496 |
| 55 | Руминия | 86 472 |

**Ўзбекистон автомобиль йўллари узунлиги бўйича дунёда 54-ўринда туради.**

## ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

# ПО ОБРАЩЕНИЯМ МОЛОДЕЖИ СОЗДАНА РАБОЧАЯ ГРУППА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ

**На встрече с учениками школы имени Мухаммада аль-Хорезми, состоявшейся в конце прошлого года, Президент подчеркнул: «Я верю, что среди подрастающего поколения есть образованные, отважные юноши и девушки с горящими глазами, готовые сказать: «Я буду Вам опорой!» Самый правильный путь лидерства, умения вести за собой – это личный пример»**





Как отмечалось в ходе видеоселекторного совещания главы государства, осуществление молодежной политики является приоритетной задачей и в системе Национальной гвардии.

Для реализации поставленных задач командование Национальной гвардии регулярно проводит «круглые столы» и военно-спортивные соревнования «Молодые гвардейцы», участвует в работе конференций, заседаниях Молодежного пресс-клуба, посвященных актуальным проблемам подрастающего поколения.

Недавно в целях воспитания молодежи в духе патриотизма и повышения в них чувства преданности Родине по инициативе командования Национальной гвардии совместно с Ташкентским городским Советом Союза молодежи Узбекистана был организован форум, включавший в себя комплекс мероприятий под общим девизом «Построим новый Узбекистан вместе!».

Мероприятие стартовало с демонстрации военной техники, оружия и специальных средств охраны объектов, имеющихся в структуре Национальной гвардии и Службы охраны. В рамках выставки в Студенческом городке состоялась мини-концертная программа, подготовленная учащимися Республиканского специализированного музыкального академического лицея Национальной гвардии.

Наряду с выставкой и музыкальной программой под открытым небом для интересующихся спортом были проведены мастер-классы военнослужащих Национальной гвардии – чемпиона Олимпийских игр по боксу Фазлиддина Гаибназарова и чемпиона мира по боксу по версии WBA и IBF Мурожона Ахмадалиева. После состоялась дружеская беседа с чемпионами, которые ответили на все вопросы студентов.

Объединивший молодежь форум продолжился встречей «Национальная гвардия и молодежь», собравшей участников всех локаций, проводимых в рамках мероприятия. Во встрече приняли участие командование Национальной гвардии, руководство Союза молодежи Узбекистана и молодые выдающиеся спортсмены.

На данном собрании вначале прозвучал Государственный гимн нашей республики. Его исполнили хором все собравшиеся, показывая тем самым, насколько глубока любовь и преданность Родине у присутствующих юношей и девушек.

Далее в ознакомительных целях были продемонстрированы ролики о Национальной гвардии, после чего мероприятие продолжилось в виде открытого диалога. В ходе мероприятия юношами и девушками было задано много вопросов. Примечательно то, что большинство из них касалось проделанной Национальной гвардией работы, о том, как вступить в ряды гвардии в качестве офицеров, военнослужащих по контракту сержантского и рядового составов, о профессиональной деятельности чемпионов. В свою очередь, молодые спортсмены, рассказывая о поединках и преодоленных трудностях, призвали сверстников идти по избранному пути, несмотря ни на какие преграды, и никогда не останавливаться. Вдохновляет то, что юноши и девушки, ориентируясь на чемпионов, также стремятся достичь больших высот в жизни.

В отличие от других мероприятий, проведенных с участием командования Национальной гвардии, эта встреча была направлена на поиск решений вопросов, заданных представителями молодежи. Прозвучало много обращений, в связи с чем была создана рабочая группа Национальной гвардии. Активистам и представителям организаций, взаимодействующих по вопросам молодежи с Национальной гвардией, была выражена благодарность и вручены памятные подарки от командования Национальной гвардии.

Встреча получила неожиданное продолжение в неформальной обстановке в вестибюле Молодежного центра. В беседе юноши и девушки, не успевшие обратиться или не решившиеся выразить свое мнение публично, получили ответы на интересовавшие их вопросы.

Форум завершился специальным флешмобом «Гвардия и молодежь», объединившим в едином порыве военнослужащих Национальной гвардии и активную молодежь.

Мы гордимся тем, что в стране много смелых и отважных юношей и смелых девушек, верных и преданных Родине, работающих в различных сферах государственной и общественной жизни, улучшающих имидж нашей страны на международной арене. Основной целью встречи было изучение молодежных проблем и поиск путей их решения. Думаю, мы смогли ее достичь.

Подобные мероприятия, а также встречи командования Национальной гвардии с молодежью будут продолжаться по всей стране.

**Шухратжон ШАКИРОВ,
заместитель командующего Национальной гвардией Республики Узбекистан.
Фото Нодира МАМАТКУЛОВА.**

# Обладатели Переходящего кубка

**В целях реализации Концепции военно-патриотического воспитания молодежи по инициативе Ташкентского областного совета Союза молодежи Узбекистана впервые был организован турнир за «Переходящий кубок Союза» Клуба веселых и находчивых, финал которого состоялся накануне среди молодых военнослужащих воинских частей и учреждений, расположенных в Ташкентской области**



В состязании приняли участие команды Военно-технического института «Молодые гвардейцы» и воинской части Национальной гвардии Gvardiya Lions, команды воинских частей Министерства обороны «Веселые связисты», «Короли бригады», «Артиллерия» и команда Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища «Веселые танкисты».



В финале команды-участницы выполнили три задания. По итогам конкурса 1-е место завоевали «Молодые гвардейцы» ВТИ Национальной гвардии, 2-е место поделили команда «Веселые танкисты» Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища и «Веселые связисты» воинской части Министерства обороны. Еще одна команда Министерства обороны – «Артиллерия» замкнула тройку лидеров. Были названы имена особо отличившихся участников.

Турнир «Переходящий кубок Союза» организован с целью воспитания молодежи в духе преданности Родине, уважения национальных ценностей, исторического и духовного наследия, повышения социальной активности, организации содержательного досуга, поощрения и поддержки одаренной и талантливой молодежи.

Победители конкурса были награждены Переходящим кубком, дипломами и памятными призами от Ташкентского областного совета Союза молодежи Узбекистана.

# Подозреваемые задержаны

**15 февраля текущего года, примерно в 21.00 вечера автопатруль, охраняющий общественный порядок на территории города Гулистана Сырдарьинской области, в составе военнослужащего Национальной гвардии и сотрудника внутренних дел остановил мужчину, подозрительно расхаживавшего по железнодорожной станции**




На просьбу предоставить документы, удостоверяющие личность, гражданин не смог ничего предъявить, чем вызвал еще большее подозрение и был доставлен в УКД ОВД г. Гулистана. В результате проверки выяснилось, что неизвестный является гражданином И. А., 1982 года рождения, уроженцем Булакбашинского района Андижанской области и разыскивается органами внутренних дел.

16 февраля в Учтепинском районе столицы произошел аналогичный случай. Наряд ППС в составе военнослужащего Национальной гвардии и сотрудника внутренних дел на 14-м квартале Учтепинского района остановил подозрительного мужчину. Гражданин был задержан и доставлен в ОВД № 7. Обнаруженные при нем в ходе досмотра пневматический спортивный пистолет, схожий с пистолетом Макарова, психотропные препараты «Тропикамид» (3 шт.) и «Регопен» (4 шт.) были оформлены в соответствующем порядке.

В ходе проведенных следственных мероприятий выяснилось, что З. М., 1998 года рождения, является уроженцем г. Ташкента. В настоящее время по данному факту сотрудниками соответствующих органов внутренних дел ведется доследственная проверка.

**Нафосат ЗАФАРОВА.**

ЗДОРОВЬЕ

# 4 ДОМАШНИХ РАСТЕНИЯ, БЛАГОТВОРНО ВЛИЯЮЩИХ НА ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА

**Растения не только создают уют в доме, но и полезны для здоровья – именно эту теорию решили доказать на практике разные группы ученых. Если раньше вы сомневались, следует ли обзаводиться зелеными товарищами, то теперь есть веский повод серьезно задуматься о покупке домашнего цветка**

Специалист по садоводству Тиана Блануса и студент Редингского университета (Великобритания) провели исследование, в ходе которого выяснилось, что зелень полезна для кожи человека. Оказалось, что жидкость, выделяемая листьями, увлажняет воздух и весьма благоприятно влияет на организм. Процесс называется транспирацией. Это особенно актуально в холодный период года, когда работают батареи и обогреватели и проветривать помещение удается реже.

Ученые из Берлина также решили выяснить, могут ли декоративные растения поглощать различные летучие соединения и очищать помещения. Лабораторные исследования показали, что многие растения действительно способны уничтожать вредоносные микроорганизмы, являясь природным фильтром.

Наличие определенных растений также помогает регулировать уровень пыли в жилище, поглощая ее частицы и тем самым очищая воздух.

Мы выбрали четыре домашних растения, которые могут оказывать благотворное влияние на здоровье владельцев.



**1. Спатифиллум**

Его любят за неприхотливость и красоту. Цветок подходит и для офисных помещений, и для дома. Ухаживать за спатифиллумом очень просто: достаточно поместить его в комнату с рассеянным светом и поддерживать постоянную влажность. Растение очищает воздух от плесени и других вредных элементов.

**2. Дипсис желтоватый**

Происходит из пальмового семейства, поэтому имеет характерные листья. Дипсис поглощает двуокись углерода, формальдегид и другие опасные вещества. Кроме того, растение отлично насыщает помещения кислородом, поэтому стоит обзавестись им на кухне и в гостиной.





**3. Фикус каучуконосный**

Красавец с глянцевыми темно-зелеными листьями обожает влагу, поэтому стоит позаботиться о регулярном поливе цветка. Вазон является настоящим природным фильтром, а также выделяет вещества, обогащающие воздух в доме.

**4. Хлорофитум хохлатый**

Это растение пришло к нам из Южной Африки и быстро прижилось у любителей пестрых и необычных домашних цветов. Его можно встретить не только в квартире, но и в школах, офисах и других учреждениях. Как и предыдущие зеленые друзья, он любит влагу, однако вполне терпимо переносит «временные лишения». Хлорофитум борется с токсическими веществами и микробами, дезинфицирует и увлажняет воздух, поглощает угарный газ.



**Большую часть времени мы проводим в помещениях, поэтому очень важно позаботиться о той атмосфере, которая нас окружает. Зеленые растения – простой и эффективный способ позаботиться о здоровье и украсить дом.**

# Семь продуктов, которые нельзя хранить в холодильнике

## Хлеб

**Почему нельзя?** При низких температурах мучные изделия быстрее теряют свежесть, черствеют и впитывают запахи. Не хочется есть булочку с начинкой из вишни, но с запахом мясного рагу.

**Где хранить?** В бумажном пакете, или завернув в полотенце, при комнатной температуре (еще лучше – в хлебнице).

## Яблоки и груши

**Почему нельзя?** Холод не нравится ни «нашим», ни импортным фруктам. Под воздействием низких температур в холодильнике яблоки и груши портятся в два раза быстрее. Также, по данным исследований, на полках для овощей и фруктов находится больше всего микробов, вызывающих болезни пищеварительного тракта.

**Где хранить?** Существует два идеальных места – застекленный балкон и подоконник, но обязательно с открытой форточкой.



## Бананы

**Почему нельзя?** Это очень капризная ягода (да-да, бананы – это ягоды), поэтому в холодильнике они начинают гнить, покрываться темными пятнами, терять вкусовые качества.

**Где хранить?** В сухом прохладном месте, например, в кухонном шкафчике. Желательно там, где они не будут соприкасаться с другими овощами и фруктами.



## Лук и чеснок

**Почему нельзя?** Чеснок быстро сохнет из-за отсутствия влаги, а лук гниет, наполняя холодильник характерным запахом.

**Где хранить?** Для лука и чеснока принципиально важна комнатная температура, так что хранить их нужно в темной кладовке или отдельном кухонном шкафчике.

## Морковь и картофель

**Почему нельзя?** При низких температурах крахмал превращается в сахар, поэтому картофель в холодильнике теряет вкусовые качества и быстрее портится. Моркови тоже несладко: из-за высокой влажности она может гнить и приобретать странный вкус.

**Где хранить?** Картофель – в бумажных пакетах в темном месте, морковь – в полиэтиленовых пакетах при комнатной температуре.

## Шоколад и кофе

**Почему нельзя?** В холодильнике эти продукты теряют одно очень важное свойство – аромат! А шоколад к тому же покрывается белым налетом.

**Где хранить?** В темном прохладном месте, например, в кухонном шкафу.

## Маринованные овощи

**Почему нельзя?** Не то чтобы совсем нельзя, просто не имеет смысла, так как маринованные огурцы и помидоры уже прошли этап консервации – в них есть соль, специи и уксус, которые не дадут продукту испортиться.

**Где хранить?** Открытые банки допускается оставлять на балконе, но обязательно с закрытой крышкой. Те соленья, которые вы не успели попробовать, можно хранить в темном прохладном месте.

**Подготовлено по материалам интернета.**

БИР ЖИНОЯТ ТАФСИЛОТИ

# ТАДБИРКОРГА ҚИЛИНГАН ҲАМЛА

**Ўтган йилнинг 29 ноябрь куни Тошкент вилоятининг Зангиота тумани суди биносида очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир гуруҳ шахслар томонидан шу туманда истиқомат қилувчи тадбиркор Мақсуд Ёрматовнинг (воқеа иштирокчиларининг исм-шарифлари ўзгартирилди) хонадонида содир этилган босқинчилик ҳамда мазкур туманда яшовчи Баҳром Абдуллаевнинг уйида содир этилган ўғрилик бўйича жиноят иши кўриб чиқилди.**

Энди мазкур жиноятларнинг тафсилотига тўхталсак. Дастлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган Даврон Фаёзов ишлари бироз юришмай қолгандан сўнг маҳалладоши Хайрулло Самадов билан биргаликда устачилик қила бошлайди. Кунларнинг бирида уларнинг сафига шу ҳудудда истиқомат қилувчи касби тунукачи бўлган Акмал Абраев ҳам қўшилади. Аввалига улар ишдан сўнг чойхўрлик, ошхўрлик қилишарди. Кейинчалик зиёфатлар борган сари «қуюқлашиб», охир-оқибатда спиртли ичимлик, кейинчалик эса гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишгача боради.

Бир-икки марта заҳри қотилни татиб кўрган ҳамтовоқлар аста-секинлик билан унга ўрганиб қолишади. Бошқаларнинг ёрдами билан қўлга киритилган оғулар тугагач, унинг асирига айланиб қолган Хайрулло ва Акмал энди ўзлари ўша зормандани топишга қарор қилишади. Шундай кунларнинг бирида Акмал «Қўшним Баҳром Абдуллаев ўзининг уйида наша етиштираётганини кўрдим» деганида, кўпдан бери заҳри қотилнинг хумори тутиб юрган Хайрулло ниҳоятда қувониб кетади. Бундай имкониятни қўлдан бой беришни хоҳламаган икки ўртоқ дарров ишга киришади. Қўшниси Б. Абдуллаев ва унинг оила аъзолари уйда йўқлигидан фойдаланган А. Абраев ҳамда Х. Самадов ушбу хонадонга ўғриликка тушади. У ердаги етиштирилаётган нашанинг бир қисмини олиб, тезда жуфтакни ростлайди. Улар тўғри Хайрулло Самадов яшайдиган уйнинг ертўласига келиб, ушбу оғудан истеъмол қилишади. Қолган қисмини яшириб қўяди.

Навбатдаги улфатчиликларнинг бирида Даврон дўстларига ичидаги дардини ёради:

– Аввалги ишим туфайли давлатдан 37 миллион сўм қарз бўлиб қолганман. Шуни тўламасам бўлмайди. Мажбурий ижро бюросининг ходимлари талаб қилишяпти. Шунга нима дейсизлар? Қандай тўласам экан...?

– Менда бир таклиф бор, – дея ўртага чўккан жимликни бузди Акмал.

– Хўш, нима таклиф экан? – қизиқиб сўради Хайрулло.

– Яқинда мен Мақсуд Ёрматов деган бойваччанинг уйида ишладим, – деди ҳовлиққанча Акмал.

– Хўш, қандай ёрдам берар экан менга у? – деганча умид кўзлари билан улфатига қаради Даврон.

– Унинг уйидан пул ўмарамиз.

– Бу ишни учаламиз эплашимиз қийин, – деди иккиланиброқ Хайрулло.

– Нима қиламиз дейсан унда? – деди ўртоғидан бирор-бир нажот кутгандек Акмал.



– Носирни ҳам қўшишимиз керак, у бундай ишларнинг уддасидан чиқишга ишонаман.

– У кўнмайди, – деганча дўстининг таклифига эътироз билдирди Акмал.

– Агар мен айтсам, албатта, рози бўлади, – деди ўртоқлари олдида ўзини кўрсатмоқчи бўлиб Хайрулло.

– Бўпти, чақир унда, тезроқ келиб биз билан бирга тайёргарлик кўрсин, – дейди ўйлаган ишлари «хамирдан қил суғургандек» осон битаётганидан қувонган Акмал.

Шундан сўнг улар бир неча кун давомида Хайрулло яшайдиган уйнинг ертўласида босқинчилик қилиш учун режа асосида тайёрланишади. Ўтган йилнинг 24 июнга ўтар кечаси, тахминан соат 02:30ларда Мақсуд Ёрматов яшайдиган ҳовлининг олдига боришади. Пухта ўйланган режага кўра, Акмал атрофни кузатиб туриш учун уйнинг ташқарисида қолади, бошқалар эса тўғри хонадон соҳиби ва унинг турмуш ўртоғи ётган хонага бостириб кириб, қўлларидаги болға, ёғоч бита, темир занжир ва шунга ўхшаш қаттиқ жисмлар билан уларнинг боши ва танасининг турли қисмларига уриб, оғзи, қўли ва оёқларини елим тасма (скотч) билан боғлаб ташлайди. Жабрланувчилар қаттиқ қийноқлардан сўнг ётоқхонадаги темир сандиқда тилла тақинчоқлар, ошхонадаги сандиқда эса пуллар борлигини айтади. Бу гапни эшитган босқинчилар тезда 110 миллион сўмлик қийматдаги турли тақинчоқларни олади. Сўнг уларнинг устидан қулфлаб, ўзлари эса пулларни олиш учун ошхонага ўтишади. Бундан фойдаланган турмуш ўртоғи М. Ёрматовнинг қўлларини ечади. Хотинининг ёрдами билан ётоқхона деразасидан қочиб кетган тадбиркор қўшниларини ёрдамга чақиради. Буни сезиб қолган жиноятчилар темир сандиқ ичидаги елим халталарга солинган пуллардан иккита пакетдаги жами 283 миллион 577 минг 500 сўмни олиб воқеа жойидан ғойиб бўлишади. Хонадон соҳиби Мақсуд Ёрматов эса олган тан жароҳатлари туфайли касалхонага ётқизилади.

Ўйлаган режаси охиригача силлиқ якунланмаганидан хавотирланган босқинчилар «овда» қўлга киритилган «ўлжаларни» жабрланувчининг уйидан унча узоқ бўлмаган жойдаги маккапояга кўмиб қўйишади. Жиноий гуруҳ аъзоси бўлган Носир Шамсиддинов ушбу қимматликлардан ўзининг улушини олиб, айланма йўллар орқали Қозоғистонга қочиб кетади.

Босқинчиларнинг қолганлари эса жиноий йўл билан қўлга киритилган бойликларни беркитилган жойдан ўзлари бориб олишдан чўчиб, эски танишлари бўлмиш Жаҳонгир Тошматов ва Собир Мадаминовларни ёрдамга чақиришади. Бу кимсалар ҳам бўлиб ўтган воқеаларни била туриб, жиноят ҳақида тегишли жойга хабар бериш ўрнига, уларнинг жиноий шеригига айланади.

С. Мадаминов шу куни кечки пайт А. Абраев билан маккапояга бориб, яширилган пулларнинг бир қисмини олишади. Акмал ушбу пулларнинг керакли қисмини Хайруллога бериб қўйишини Собирга тайинлаб, ўзи эса, қолган қисмини олиб пойтахтимиздаги «Фарҳод» деҳқон бозорида номаълум шахсларга чет эл валютасига алмаштириб қайтади. Шу куни у Жаҳонгирнинг уйига келади ва бўлган воқеаларни унга айтиб беради.

Эртаси куни эрталаб эса Жаҳонгирни Собир билан бирга қолган тилла тақинчоқлар ва пулларни олиб келиш учун «хазина» кўмилган жойга жўнатиб юборади. Жаҳонгир Собир топган сумканинг ичидан 3 дона тилла тақинчоқни унга билдирмасдан олиб қўяди. Қолган пуллар ва тақинчоқларни Собир билан биргаликда Хайруллога келтириб беради. Шундан сўнг уларнинг ҳаммаси Хайруллонинг ертўласидан чиқиб, Акмалнинг олдига боришади.

Шерикларининг олдидан чиққан Жаҳонгир ўзининг танишлари орқали тўғри «Фарҳод» деҳқон бозоридаги тилла тиқинчоқлар билан савдо қилувчи дўкон сотувчисининг олдига боради ва «Онамники эди, пул зарур бўлиб қолди» дея ўғирланган тақинчоқларни 3 миллион 75 минг сўмга сотиб, пулларини чўнтакка уради.

Ҳамтовоқлар келишганларидек, шу куни Бўстонлиққа бориб, у ердаги дала ҳовлиларидан бирини ижарага олиб, маза қилиб дам олишни бошлайди. Аммо уларнинг ялло қилиши узоққа чўзилмайди. Чунки босқинчиларнинг қилмишидан хабар топган осойишталик посбонлари эртаси куни тушлик пайтида уюшган гуруҳ аъзоларини барчасини шу ернинг ўзида қўлга олиб, Зангиота тумани ИИБга олиб келишади.

Олиб борилган тергов-суриштирув ишлари натижасида ушбу жиноий гуруҳ аъзолари билан биргаликда, ўзининг уйида ноқонуний равишда гиёҳвандлик экинини етиштирган Баҳром Абдуллаев ҳам қонун олдида жавоб берди. Суд уларнинг барчасига қилмишига яраша қонуний жазо тайинлади.

**Фарҳод ЭРГАШЕВ,**
**майор.**
**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ГИЁҲВАНДЛИК – УМР ЗАВОЛИ

# ҲАЙДОВЧИ НЕГА БЕЗОВТА БЎЛДИ?



**Мамлакатимизда шу кунларда «Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига қарши кураш» тадбири бўлиб ўтмоқда. Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари ҳам ушбу тадбирда фаол иштирок этмоқда.**

Хусусан, жорий йилнинг 9 февраль куни тахминан соат 16.00 ларда Олмазор тумани «Минерал сувлар» блок пости орқали пойтахтимиз томон ҳаракатланиб келаётган «Дамас» русумли автоулов шубҳали кўринганлиги боис Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ЙПХ бригадаси ЙПХ инспектори, катта сержант Б. Ахмедов томонидан тўхтатилади. Автомашина ИИББ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими 2-сонли Кинология хизмати гиёҳвандлик моддаларини қидириб топиш гуруҳи командири, катта сержант З. Ҳасанов томонидан «Пит» лақабли хизмат ити билан холислар иштирокида кўздан кечирилади. Текширув давомида транспорт воситаси магнитоласининг тагидан тўрт дона оқ қоғозга ва бир дона минг сўмлик купюрага ўралган гиёҳвандлик моддасига ўхшаш нарса топилади.

Ушбу ашёвий далил «Дамас» ҳайдовчиси, 1977 йилда туғилган, Учтепа туманида яшовчи П. Э. томонидан олиб келинаётгани маълум бўлди. «Топилма» ИИББ ЭКМ мутахассислари томонидан текширилганида, оғирлиги 3,80 грамм бўлган марихуана гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланган.

Шунингдек, 10 февраль куни тахминан соат 20.50 ларда пойтахтимизнинг «Янги Сирғали» блок пости орқали Тошкент шаҳридан чиқиб кетаётган «Ласетти» русумли автоулов ҳам сергак осойишталик посбонларида шубҳа уйғотади. ИИББ ЙҲХБ ЙПХ бригадаси ЙПХ инспектори, сержант Р. Бабишев ушбу автомашина ҳайдовчисига тўхташ ишорасини беради. Катта сержант З. Ҳасанов ўзининг «Пит» лақабли хизмат ити билан автоуловлар салонини текширишга чоғланганида, ҳайдовчи салонда турган қишки кийимини олиб эгнига киймоқчи бўлади. «Пит» эса у ерда нимадир борлигини сезади.

Шу пайт ҳайдовчининг шериги кўз қараши билан қочиш кераклигига ишора қилади. Буни ўз вақтида пайқаган ЙПХ инспектори ва кинолог ҳайдовчидан ёнида нима борлигини сўраганида, у қоча бошлайди. Бироқ узоққа кетиб улгурмасдан қўлга олинади. Ушбу фуқаро, яъни 1984 йилда туғилган Самарқанд вилояти Ургут туманида доимий рўйхатда турувчи, вақтинча Чилонзор туманида яшовчи З. Ж. холислар иштирокида текшириб кўрилганда, чўнтагидан сотиш мақсадида олиб кетаётган гиёҳвандлик воситасига ўхшаш ашё топилади. У ИИББ ЭКМ ходимлари томонидан текширилганида, оғирлиги 314,4 грамм бўлган опий гиёҳвандлик воситаси эканлиги маълум бўлади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари бошқа соҳавий хизматлар вакиллари билан ҳамкорликда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ ҳолатларни аниқламоқда. Шу тариқа, заҳри қотилнинг инсонлар ҳаётига рахна солишининг олдини олишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ



# АЛЬЦГЕЙМЕР КАСАЛЛИГИ ҚАНДАЙ ХАСТАЛИК?

**Хотира инсон умрининг тилла сандиғи ҳисобланади. Ёддан чиқариш, эслай олмаслик каби нохуш ҳолатлар кишида ёши улғайган сари кўпроқ учраши кузатилади. Инсон бирон хасталикка чалинмаган тақдирда ҳам, унда қандайдир унутишлар содир бўлиб туради. Аммо шундай касаллик борки, бунда хотира бутунлай йўқолади. Бу Альцгеймер касаллигидир.**

Альцгеймер касаллиги илк маротаба 1907 йил немис психиатри Алоис Альцгеймер томонидан аниқланган. Бу хасталикни илк даврда аниқлаш шифокордан анча тажрибали бўлишни талаб этади. Агарда шифокор беморга тўғри ташхис қўйиб даволамаса ёки касаллик даври ўтказиб юборилса, у оғир асоратлар қолдириши мумкин. Бу касаллик кўпинча ёши катталарда, яъни кексаларда кўпроқ учрайди. Ҳозирги кунда ушбу касаллик яшариб бормоқда.

Альцгеймер касаллиги енгил когнитив бузилишлар, яъни хотира пасайиши, эслаб қола олмаслик, тез толиқиш, янги кўникмалар ҳосил қилишда қийналиш, уйқу бузилиши каби клиник белгиларда намоён бўлади. Баъзи беморлар бу ҳолатга эътибор бермасдан, «қаричилик» деб, даволаш ёки профилактик чораларни ўтказиб юборишади. Енгил когнитив бузилишлар кузатиладиган муддат 5—7 йилни ташкил қилади.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Альцгеймер касаллигини юзага келтирадиган омилларни қайд этган. Нейродегенератив касалликларга бағишланган кўп йиллик тадқиқотларни таҳлил қилиб, олимлар жисмоний фаолликнинг мавжуд эмаслиги, носоғлом овқатланиш ва алкоголни жуда кўп истеъмол қилиш ҳамда юқори қон босими, холестериннинг юқори даражаси ва семизлик касаллик хавфини оширади, деган хулосага келишган.

Мутахассислар Альцгеймер касаллигининг эшитиш қобилиятини йўқотиш ва депрессия билан алоқаси ҳақида ҳам огоҳлантиришмоқда. Бундан ташқари, ижтимоий изоляция ва ақлий ҳаракатсизлик ҳам хасталик ривожланишини чақириши мумкин. Касалликнинг охирги босқичида эркин ҳаракатлар бутунлай йўқолади ва ўлим билан якун топади.

АҚШнинг 40-Президенти Рональд Рейган 1994 йилда, 83 ёшида ушбу касалликка чалинган. Йиллар ўтиб, бир неча инсонларни, жумладан, турмуш ўртоғини ҳам эслай олмаган. Умрининг охирги кунларида эса кўзгудаги ўз аксини ҳам таний олмаган.

Касаллик профилактикасида инсон ўз саломатлиги ҳақида ўзи кўпроқ қайғуриши лозим. Ана шундагина бу хасталикка чалинмаслик мумкин. Бунда тўғри овқатланиш, ҳаракатчанликни кучайтириш, айниқса, пиёда юриш, аёлларда гормонал бузилишларнинг олдини олиш, депрессияга қарши курашиш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Гулшода ҲАЙИТОВА,**
**Хоразм вилояти ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникаси психиатр шифокори.**

# ИНСОН ТЕРИСИ НЕГА ҚУРИЙДИ?

**Терини бежиз саломатлик кўзгуси деб аташмайди. Унинг кўриниши организмдаги ўзгаришлардан дарак беради. Қуруқ тери ноқулайлик, тиришиш ва ачишиш ҳиссини келтириб чиқаради, у хира, дағал, ғижим, парваришланмаган кўринишда бўлади. Бунга сабаб нима ва унинг соғломлигини қандай тиклаш мумкин?**



Соғлом тери ёғли липидларнинг ингичка қавати билан қопланган бўлиб, уни ёғ безлари ишлаб чиқаради. Нозик қатлам эпидермиснинг таранглигини таъминлайди, тери сувсизланишининг олдини олади ва уни ташқи муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоялайди. Ҳимоя қатлами бузилганда мугуз парда шу заҳотиёқ юмшаб, қимматли намлигини йўқотади, тери қавати қуриб, инфекция, бактерия ва вирусларга йўл очади. Бунга бир неча ташқи омиллар сабаб бўлиши мумкин.

**Совуқ шамол ва ҳавонинг паст ҳарорати** инсон терисига салбий таъсир кўрсатади. Хонадаги кондиционер ёки иситиш воситаларидан тарқалаётган қуруқ илиқ ҳаво эса вазиятни янада мураккаблаштиради. Қишнинг аёзли кунларида, албатта, терингизни ҳимоялаш чорасини кўринг. Кечқурун ухлашдан олдин намлантирувчи ва озиқлантирувчи кремлардан фойдаланинг. Ташқарига чиқаётганда бош кийим ва қўлқоп кийишни унутманг. Кўчада ҳаво қанчалик совуқ бўлса, ёғ безлари шунчалик секин ишлайди. Натижада тери ўз намлигини йўқотиб, қурий бошлайди.



**Нотўғри овқатланиш** ҳам тери ҳолатига таъсир ўтказмай қолмайди. Зарур озуқавий моддалар, жумладан, тўйинмаган ёғ кислоталари ва витаминларнинг етишмаслиги, овқат ҳазм қилиш жараёнининг бузилиши ёки дисбактериоз туфайли тери қаватида салбий ўзгаришлар юз бериши мумкин. Шундай экан, таомномангизга кўпроқ кўкатлар, мева-сабзавотлар, балиқ, ёнғоқ ва дон маҳсулотларини киритинг.

**Иссиқ сувли душ ёки ванна қабул қилиш** танани яйратиши мумкин, аммо терининг ҳолатига ўзига хос таъсир кўрсатиб, уни табиий ҳимоя ёғ қатламидан маҳрум этади. Шу сабабдан ювиниш чоғида сув иссиқ ёки совуқ эмас, балки илиқ бўлишига аҳамият қаратинг. Сўнгра терини ишқалаб эмас, юмшоқ сочиқ билан босиб-босиб артиш ва намлантирувчи кремдан фойдаланиш тавсия этилади.

Кўп ҳолларда, тери қуришига **совун** сабаб бўлади. У ҳам иссиқ сув каби ҳимоя қатламини ювиб ташлайди, терининг ёрилишига сабаб бўлади. Шунинг учун совундан камроқ фойдаланишга ҳаракат қилинг.

**Баъзи дори воситалари**нинг ножўя таъсири ҳам шундай оқибатга олиб келиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, агар шундай ҳол юз берса, албатта, шифокор билан маслаҳатлашинг.

Бундан ташқари, **айрим хасталиклар** чоғида ҳам тери қуриши кузатилади. Мисол учун, чилла яра (экзема) ва псориаз каби тери касалликлари. Бундай ҳолларда, одатда, жиддий даволаниш талаб этилади. Қандли диабетда глюкоза миқдори ўзгариб туриши организмнинг сувсизланишига сабаб бўлади. Ушбу касаллик чоғида жароҳатлар узоқ битиши ва инфекциялар ривожланиши хавфи юқори бўлишини инобатга олган ҳолда, тери ҳолатини соғлом сақлашга уриниг. Гипотиреоз, яъни қалқонсимон без фаолиятининг кескин сусайиши, унинг етарлича ишламаслиги туфайли организмдаги терини ҳимоялаш учун ишлаб чиқариладиган ёғ моддалари миқдори камайиб кетади. Натижада тери қуруқ ва дағал кўринишга келади.

Терининг қуришига яна **организмнинг сувсизланиши** ҳам сабаб бўлади. Шу боис кун давомида тез-тез, оз-оздан суюқлик ичиб туришни одат қилинг.

Ушбу рўйхатга **кашандаликни** ҳам киритиш лозим. Сигарета таркибида кўп миқдорда токсинлар, жумладан, никотин моддаси мавжуд бўлиб, улар қон оқими тезлигини сусайтиради. Натижада теридаги модда алмашинуви тезлиги ҳам камаяди. Демакки, эрта қариш ва терининг қуриши жараёни ишга тушиб кетади.

**Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

ИИВ Фахрийлар кенгаши ҳамда Бирлашган таҳририят жамоаси ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги майор

**Революция ҲАСАНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник

**Геннадий АБДУЛЛАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.




Прочитай слова по первым буквам названий картинок



## Складываем из бумаги цветок анемон

Для этого нам понадобится семь небольших квадратных листов бумаги, каждый из которых станет лепестком.



1. Согните каждый лепесток анемона пополам.



2. У получившегося прямоугольника отогните край одного слоя листа бумаги наверх по диагонали.



3. На заготовке оригами анемона отогните по пунктирной линии назад край листа. Получится один из лепестков нашего цветка.



4. Соедините все получившиеся лепестки оригами, поместив каждый последующий из них согласно стрелке. (Закреплять лучше с помощью клея).



5. Оригами-цветок анемон готово!

## Стыдно перед соловьем

Дильфуза и Лола, маленькие девочки, пошли в горы. В дороге сели они отдохнуть и пообедать. Вынули из сумки хлеб, масло, яйца. Когда девочки закончили обед, недалеко от них запел соловей. Очарованные прекрасной песней, Дильфуза и Лола сидели, боясь шевельнуться.

Соловей перестал петь.

Дильфуза собрала остатки своей еды и обрывки бумаги и бросила под куст. Лола же завернула в газету яичные скорлупки и хлебные крошки и положила кулёк в сумку.

– Зачем ты берёшь с собой мусор? – спросила Дильфуза. – Брось под куст, ведь мы в горах, никто не увидит.

– Стыдно перед соловьем, – тихо ответила Лола.




## ДОМАШНЕЕ ЗАДАНИЕ

### Ромашка из риса



Основа – картон или бумага, рис, краски. Нарисовать цветок или распечатать, затем понемногу смазывать клеем и посыпать рисом. Когда высохнет; раскрасить красками. Работа готова.

## МИНУТА СМЕХА



Хозяин сада – мальчишке:

– Кто тебе позволил залезть на грушу?

– А что мне оставалось делать, когда я увидел табличку с надписью: «Не топтать траву!»

* * *

Отец и сын:

– Вася, не стучи молотком по голове.

– А что, очень слышно?

– Почему ты так горько плачешь? – спрашивает женщина мальчика.

Между всхлипами мальчик говорит:

– Потому что я иначе не могу.

На заснеженный балкон выходит мама и кричит:

– Аркаша! Домой!

Мальчик поднимает голову и кричит в ответ:

– Я замерз?

– Нет! Ты хочешь кушать!

## Загадки

В жаркой Африке гуляет,
Длинной шеей удивляет,
Сам высокий, будто шкаф,
Жёлтый, в пятнышках …
(Жираф)

* * *

Косолапый и большой,
Спит в берлоге он зимой.
Любит шишки, любит мёд,
Ну-ка, кто же назовёт?
(Медведь)

За деревьями, кустами,
Промелькнуло будто пламя,
Промелькнуло, пробежало…
Нет ни дыма, ни пожара.
(Лиса)

* * *

Летом серым я бываю,
Про морозы забываю.
Ты, дружок, меня узнай-ка:
Длинноухий робкий
(Заяц)

**В заданиях, приведенных ниже, необходимо отгадать зашифрованные слова, в них перепутан порядок букв**

О К Е Т О Л К
С Т Р У И Т
Г О Н Ь О
З Ю Р К А К



Р О П У Б Р Ь
У К А Щ
Д О В Е Р
Л Е М Е Я



И Ч Е У Л Ь Т
А С К О Д
К У З А К А
Б О Л Я К О



НА ВАШУ КНИЖНУЮ ПОЛКУ

# ШЕДЕВР УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЫ




**Известный востоковед Евгений Бертельс писал: «Мировой литературе известны пять школ романа: французская, русская, английская, немецкая и индийская. Теперь шестую, а именно узбекскую, школу романа создал Абдулла Кадыри»**

«Минувшие дни» – шедевр узбекской художественной прозы XX века, одно из самых значительных произведений национальной литературы. Роман раскрывает широкий спектр общечеловеческих тем и проблем. Произведение охватывает важнейший период истории узбекского народа – события середины XIX века, время эпохальных перемен.

Перипетии «противостояния света и мрака» в романе переданы через историю любви главных героев – Отабека и прекрасной Кумуш. Произведение отличается многоплановостью повествования, последовательным и нарастающим накалом, трагической развязкой событий.

Непросто складывалась литературная судьба произведения. Первый перевод книги на русский язык был сделан с купюрами. Предлагаем прочитать ее в новом переводе, выполненном М. Сафаровым, что даст возможность познакомиться с романом в полном объеме, почувствовать авторскую интонацию.

# ПЕРЕСЕЧЕНИЕ СУДЕБ




**«Эта книга была написана после 10-летнего творческого перерыва. Она не похожа на мои предыдущие вещи и обращена, прежде всего, к современности…»**

**Чингиз АЙТМАТОВ.**

Роман «Когда падают горы (Вечная невеста)» – последнее крупное эпическое произведение Айтматова. Основные события произведения разворачиваются высоко в Тянь-шаньских горах, где пересекаются пути героев: человека и снежного барса. Как отмечал сам писатель, «они жертвы своего времени и обстоятельств».

По айтматовской традиции, драматическое повествование пронизывает легенда о Вечной невесте, которая чудесным видением появляется на заснеженном горном перевале… Отсюда и второе название книги.

В романе поднимаются важнейшие морально-этические вопросы: взаимоотношение человека и природы, проблемы нравственного выбора, ответственности людей за принимаемые решения.

Чингиз Айтматов – лауреат многих престижных премий. Его книги «Белый пароход», «Прощай, Гульсары!», «Пегий пес, бегущий краем моря», «И дольше века длится день...», «Плаха», «Тавро Кассандры» и др. переведены более чем на сто пятьдесят языков мира.

«Писатель планетарного мышления», – так отзываются читатели об Айтматове.

ЗА РУБЕЖОМ

## Один из древнейших городов затопят в Турции

Один из древнейших городов в мире – Хасанкейф на реке Тигр – уйдет под воду из-за строительства на его территории гидроэлектростанции «Илису», сообщает Euronews. Городу Хасанкейф на юго-востоке Турции около 12 тысяч лет. Вместе с ним исчезнут почти двести деревень и археологический памятник из 4 000 пещер.Турецкие власти намерены запустить плотину уже в марте этого года. Планируется, что станция будет производить четыре процента от всей электроэнергии в стране. В начале строительства против этой затеи выступали местные жители, экологи и историки, однако власти Турции не отказались от реализации проекта, направленного на развитие Юго-Восточной Анатолии.





## Вооруженного вора из магазина прогнала бабушка

В Польше от грабителя, пришедшего в деревенский магазин, смогла отбиться шваброй пожилая женщина, сообщает Daily Mail. Преступник ворвался в магазин и направил пистолет на его владелицу. Бабушка не растерялась, обрызгала злоумышленника водой и начала бить его шваброй. Испугавшись пенсионерку, вор скрылся с места происшествия. В настоящее время его разыскивают сотрудники полиции. Мужчине грозит наказание в виде лишения свободы сроком до 12 лет.

## В Японии умер самый пожилой житель планеты




Самый пожилой житель планеты японец Ватанабэ Титэцу умер в возрасте 112 лет. Об этом сообщает РИА Новости со ссылкой на местные СМИ. Ватанабэ родился 5 марта 1907 года в крестьянской семье. Когда ему было 20 лет, он переехал на Тайвань. Там он провел 18 лет, после чего вернулся в Японию.

Ранее самым старым жителем планеты считался Масадзо Нонака с острова Хоккайдо. Он умер 20 января прошлого года в возрасте 113 лет.

Сообщается, что мужчина скончался буквально спустя две недели после того, как вошел в Книгу рекордов Гиннесса.

# РАЗЫСКИВАЮТСЯ

## за совершение преступления



**Карслиев Тельман Сахрабович,** 1960 года рождения, уроженец Самаркандской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 244[1], ч. 2 УК Республики Узбекистан.



**Рахмонов Заршед Фазлиддинович,** 1991 года рождения, уроженец Самаркандской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 169, ч. 3 и ст. 46, ч. 4 УК Республики Узбекистан.



**Шарипова Увайси Умурзоковна,** 1983 года рождения, уроженка Самаркандской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 223, ч. 2 и ст. 46, ч. 4 УК Республики Узбекистан.



**Истамов Мардон Муйинжонович,** 1987 года рождения, уроженец Самаркандской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 244[1], ч. 3 УК Республики Узбекистан.



**Ирниязов Юсуф Абдиваетович,** 1987 года рождения, уроженец Самаркандской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 244[2], ч. 1 УК Республики Узбекистан.

**Сведения, способствующие розыску, просим сообщить в ОВД Самаркандского района Самаркандской области, ближайшее отделение внутренних дел или по телефонам: (8-366) 236-88-87, 236-88-89.**

*«Можно безразлично относиться к ножевым ударам врага, но мучителен булавочный укол близкого человека...»* / *Виктор Гюго.*

ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 105 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# СЕВГИ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Ўзбек адабиётининг забардаст сиймолари Зулфия ва Ҳамид Олимжоннинг бир-бирига бўлган оташин муҳаббати ҳамда садоқати Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнунлардан фарқли равишда афсона эмаслигидадир. Қаранг, жиззахлик деҳқон ҳамда тошкентлик ҳунармандинг фарзандлари машҳур шоир ва шоира бўлиб етишиши, уларнинг умр йўллари ҳаёт сўқмоқларида бирлашуви бежиз эмасдир. Уларнинг танишуви, оила қуриши, бир-бирига бўлган севгиси, садоқатини улкан бир муҳаббат достони дейиш мумкин.

Ёшлигидан шеър ёзишни машқ қилиб юрган бўлғуси шоиранинг илк ижод намуналари газета ва журналлар саҳифаларида пайдо бўла бошлади. 17 ёшли Зулфиянинг биринчи шеърлар тўплами — «Ҳаёт варақлари» 1932 йили нашр этилди.

Шеъриятга ихлос қўйган қизлар қаторида Зулфия Ҳамид Олимжон ва Уйғун бошқарадиган Ёзувчилар уюшмасидаги машғулотларда қатнаша бошлайди ва улар тасодифан ҳозирги Мустақиллик майдони олдида учрашиб қолишади. Узоқ суҳбат жараёнида Ҳамид Олимжон Зулфиянинг шеърларини ўқиганини, уларда қалб сурати акс этганини ва шу алфозда давом этиши кераклигини айтади...

Зулфия ижодида шубҳасиз, Ҳамид Олимжоннинг ўрни ва таъсири катта. У сирдоши, умр йўлдоши таъсирида ўзбек ва жаҳон адабиёти дарғалари асарларини мутолаа қилди. Тонгни шеър айтиш билан қарши оладиган улкан қалб соҳиблари фақатгина адабиёт бўстонида эмас, ҳаёт уммонида ҳам бир-бирига қўзу қош янглиғ меҳри пайваста бўлди.




**ЗУЛФИЯ,**
**Ўзбекистон Халқ шоири**

## БОҒЛАР ҚИЙҒОС ГУЛДА

Боғлар қийғос гулда — яхлит бир чаман,
Ҳар дарахт анвои бир тароватда.
Бир кафт боғ меҳнату ҳосилга ватан,
Ўзга кўрк, ўзга ранг ҳар бир дарахтда.
Ҳар новда бир гулда, ҳар гулда бир рўй,
Ҳар дарахт барги бир дунё ҳикоя.
Ҳар бирин ҳосили ўзгасига кўрк,
Бири-бири учун қудрат, ҳимоя.
Ватаним кўзимда: қай бурчи азиз,
Билмам, қайда толе серзавқ, сержило?
Ялпи тўлишади бедахл юртимиз,
Нақ ҳар қаричи дил, жон томир гўё.
Бир қардош тинчисиз — ўзга беором
Бирининг нонисиз — ўзга эмас тўқ...
Бу — қадим дунёда янги бир олам,
Бунда орқа тоғсиз бир тирик жон йўқ.
Таянч бўлмасайди одамзод албат,
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт.

## БАҲОР КЕЛДИ...

*(Зулфияхоним таваллудига бағишлаб)*

Жилғалар шўх қўшиғин куйлаб,
Замҳарир қиш заҳридан сўйлаб.
Юз беш ёшни муборак айлаб,
Баҳор келди сизни сўроқлаб.
Ўйлаганда мен сизни ҳар дам,
Қўлга олгум қоғозу қалам.
Саботингиз илҳомга ҳамдам,
Баҳор келди сизни сўроқлаб.
Садоқатга қўйилган ҳайкал,
Қаршисида ўйлайман ҳар гал:
Шеърингизга берган зеб, сайқал
Баҳор келди сизни сўроқлаб.
Ёдингиздан дилларда зиё —
Ўзбекнинг ҳур қизи Зулфия.
«Қани менинг шоирам» дея,
Баҳор келди сизни сўроқлаб.

**Севара БАҲОДИРОВА,**
**ИИВ Жиззах академик лицейи ўқувчиси.**

ЎҚИШНИ ТАВСИЯ ҚИЛАМИЗ

## «НАВОИЙ СУҲБАТЛАРИ»

Муаллиф:
**Омонулла МАДАЕВ**




Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг ижодига меросхўр миллат вакили сифатида буюк адибимизнинг асарларидаги бадиийликни, ғояни, фалсафани билишга интилиш ҳар бир ўзбек фарзандининг муқаддас бурчи саналади. Аммо шоир яшаган давр билан бизнинг замонамиз ўртасидаги беш асрдан ортиқ ўтган вақт аксари пайтларда мумтоз адабиёт матнини тушунишда мураккаб вазиятларни вужудга келтиради. «Навоий суҳбатлари»да яна шу мураккабликни нисбатан бартараф қилиш йўлидан борилган. Адиб асарлари мисолида, замондошлар хотираларида қайд этилган аниқ воқеа-ҳодисаларга асосланган ҳолда Алишер Навоийнинг халқига, ватанига, дўстларига бўлган муносабатларини ёритиш орқали муаллиф ўқувчиларни у билан имкон даражасида яқинлаштиришга уринган.

## «СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?»

Муаллифлар:
**Акмал САИДОВ,**
**Ғулом МИРЗО**




Ушбу китобнинг биринчи қисмидан узоқ йиллар Олий Мажлис депутати сифатида ардоқли шоиримиз билан бирга фаолият юритган, олис ва яқин юртлар сафарларида ҳамроҳлик қилиб, ҳаётда доимо ўзаро дўст ва дилкаш ҳамсуҳбат бўлган инсон — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясиси академиги, юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидовнинг севимли шоиримиз билан қарийб ўттиз йиллик мулоқотлари асносида қоғозга туширилган эссе, мақола ва хотиралари жой олган.

Иккинчи қисм ардоқли шоиримизнинг кўпсонли шогирдларидан бири — шоир, таржимон, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Ғулом Мирзо қаламига мансуб эссе, мақола ва суҳбатлардан иборат.

Муаллифларнинг ушбу дил армуғони сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

**Postda**
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –
podpolkovnik Qobuljon SHOKIROV
leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
Sherzod ABDUSAMADOV
Dinara SHAMUXAMEDOVA

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
**Faks:** 71-231-40-05.

**Obuna masalalari bo'yicha:**
71-231-38-74;
95-177-32-31

**Web-site:** www.postda.uz
**E-mail:** info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001 MFO 00420. ATIB «Ipotekabank» Mirobod tuman bo'limi. INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4085.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 57 518 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.